Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН
№ 34 (14.197).

1969 ФЕВРАЛЬ 9 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

УНУМЛИ МЕҲНАТ — КАТТА ДАРОМАД

КИШИ—КУНИГА 9 СЎМДАН

НАМАНГАН («Совет Ўзбекистони» мухбири). Чуст районидаги «Ўзбекистон» колхозида бултур давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш планлари ҳамма турлар бўйича ортиғи билан адо этилди. Айниқса, етакчи тармоқ — пахтачиликни ривожлантиришда катта одим ташланди. 565 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 28 центнер ўрнига 37,5 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди.

Мўл ҳосил хўжаликка катта даромад келтирди. Умумий даромад 1 миллион 188 минг сўмга етди. Унинг 961 минг сўми пахтачиликдан олинди. Бир киши-кунига ўрта ҳисобда 5 сўм 81 тийиндан пул тақсимланди. Гектаридан 45-50 центнердан ҳосил олган Қурбон Умрзоқов, Ғалаги Абдулаҳатов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда киши-кунининг қиймати 8-9 сўмни ташкил этди.

Хўжалигида меҳнат унумдорлиги беш йиллигининг биринчи йилидагига таққослаганда 19 процент кўтарилди. Шу вақт ичида ҳосилдорлик гектар бошига 3,2 центнер ошди. Шуниси қувончлики, хўжаликда даромад ошган сари, бўлинмас фондга ажратилаётган маблағ ҳажми ҳам кўпайиб боряпти.

Ҳисоб-китоблар ўтган уч йил мобайнида хўжалик давлатга пахта сотиш бўйича беш йиллик топшириғини 84 процент адо этганини кўрсатиб турибди. Колхоз аъзолари 1969 йилда гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш ва беш йилликни тўрт йилда ортиғи билан бажариш учун амалий тадбирлар белгиладилар.

А. МАДУМАРОВ.

ЯХШИ ЯКУН

Қува районидаги «Коммунизм» колхози ўтган йили 2000 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31,7 центнердан пахта олди ёки 1967 йилга нисбатан 271 тонна кўп пахта етиштирди. Колхозда давлатга пилла, жун, сут, гўшт, тухум, мева ва полиз экинлари маҳсулоти сотиш планлари ҳам ошиғи билан бажарилди.

Мўл маҳсулот катта даромад келтирди. Колхознинг умумий даромади 3 миллион 225 минг сўмга етди. Шундан 2 миллион 402 минг сўми пахтачиликдан олинди.

Яқинда колхознинг йиллик ҳисобот йиғилиши бўлди. Колхоз аъзолари ўз йиғилишларида хўжаликнинг барча тармоқларини айниқса пахтачиликни ривожлантириш, бу йил гектаридан 35 центнердан пахта етиштириш тадбирларини белгиладилар.

А. АБДУМАННОПОВ.

ЛЕНИНЧА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ИККИ ОЙЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ИЖОДКОР ИШЧИЛАР

Станок ишлаб турибди. Токарь Боқи Табиев «СШ—20» маркали чигит ортувчи агрегатнинг валини секин унга яқинлаштирди. Турли томонга металл қириндилари сачради. Валл атрофи йўнилиб, қуёш нурида ялтирарди. Боқини Ғиждувон пахта тозалаш заводининг ишчилари «ижодкор йигит» деб аташади. Бу гапда жон бор. У заводда биринчи бўлиб станокда валларни йўнишни тезлаштириш мумкинлигини исботлади. Корхонада унинг шунга ўхшаш тўртта рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бундан завод анча иқтисодий фойда кўрди.

Корхонада ижодкор ишчилар кўп. Бу ишчиларнинг анчагина қисми Боқи Табиев шогирдларидир. Улар ўзларининг рационализаторлик таклифлари билан завод ишлаб чиқаришини янада такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшаётирлар. Боқи Табиевнинг ўзи эса шу кунларда кўпчиликка ибрат кўрсатиб, февралнинг иккинчи ярми ҳисобига иш бажаряпти.

Т. МАҚСУДОВ.

СЕРҒАЙРАТ ШОФЕРЛАР

Задарёдаги 86-автобаза ишчилари ва инженер-техник ходимлари район марказида йирик автостанция, бензин омбори бинолари ва қарийб 40 километрга яқин янги асфальт йўл қурилишларида фидокорона меҳнат намунасини кўрсатиб ишладилар. Автобаза шоферлари минг-минг тонна халқ хўжалик юкларини ташидилар.

Ҳакимжон Маҳмудов, Александр Дарафаев каби тиниб тинчимас шоферларга коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак ном берилди. Бу номни олиш учун кураш мусобақасида жон куйдириб ишлаётган С. Аҳмедов, А. Уринов, А. Дадабоев, Ҳ. Сиддиқов сингари шоферлар беш йиллик тўртинчи йилининг иккинчи ойи биринчи ярми планини муддатидан илгари адо этдилар.

Э. ҚАЮМОВ.

АҲИЛЛИК ШАРОФАТИ

Тошкентдаги 6-трестга қарашли 32-қурилиш бошқармаси аҳил бинокорлари ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига муносиб совға тайёрлашяпти. Улар шаҳар марказида ўнга яқин кўп қаватли уй-жой биноларини қуриб фойдаланишга топширдилар. Бошқармадаги А. Султонов бошлиқ қурувчилар бригадаси коллективи ўзларига ишониб топширилган объектни тез ва сифатли қуриб тугаллаш ва февраль ойи қурилиш планини олти кун олдин бажариш учун ғайрат кўрсатмоқдалар. Ш. Сулаймонов, Р. Насриддинов, А. Тўхтаназаров каби қўли гул бинокорлар смена топшириқларини мунтасил 130-140 процент бажараётирлар.

Ф. ОЛТИБОЕВ.

АНДИЖОН. Володарский номли тикувчилик фабрикасида реконструкция ишлари авж олиб кетди. Монтаж ишлари шу йил иккинчи кварталда тугалланиши мўлжалланмоқда. Суратда: слесарь монтажчилардан Василий Ершов ва Қобил Бўтабоев ўртоқлар.

Р. Ашуров фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).



Олинган мажбуриятлар изидан

КАСБГА МЕҲР

Сочларига оқ оралаган, юриши сервиқор бу аёлнинг мовий кўзларида доимо саммият балқиб туради. Гўё, унинг қалби жўшқин бир нур булоғи-ю, икки кўзи ана шу булоқнинг чашмалари. У билан суҳбатлашсангиз ҳузур қиласиз. Ёшлар ана шу меҳрибон онахондан оқил маслаҳатлар олиб қайтадилар.

Илғор тикувчи Саломат Саиджонова ҳам шу аёлнинг қизларидан. Унинг кўксида Ленин ордени порлаб турибди.

... Марҳум Семёновна Королева таҳсо қолган кезлари ширин хаёллар оғушига берилади. Кўз ўнгида жонажон фабрикасининг ўтмиши, аҳил ишчилари гавдаланади. Мана, кичкина кўримсиз цех биноси... Тикувчилар оддий тикув машинаси билан ишлаяпти. Маҳсулот ишлаб чиқарищ ҳам ўзига яраша. Нефть қолдиқлари билан ишлайдиган камқувват Бухоро электр станцияси баъзан тўхтаб қолади. Иш пайтида баъзан чироқлар ўчиб қоларди.

Мария Семёновна фидокорона меҳнат қилди. У ёшларга игна тутқазди, ҳунар ўргатди. Бу меҳрибон аёл қўлида касб ўрганган Саломат Саиджонова, Хадича Бақоева каби ўнлаб тикувчилар бугунги кунда устозларининг берган таълими ва ишончини оқлаб, бригадаларга раҳбарлик қилаётирлар.

— Йиллар ўтиши билан корхона ҳам юксалди. Жонкуяр кадрлар етишиб чиқди. Маҳсулот ишлаб чиқариш миқёси ўсди. Янги электр тикув машиналари, конвейерлар, дазмоллаш ускуналари ўрнатилди. Бу, ишга барака киритди, — дейди устоз ишчи.

Кенг ва ёруғ учинчи цехга кирсангиз, тикувчиларнинг чаққон ҳаракатига, устозлар билан шогирдларнинг беллашиб ишлаётганига қойил қоласиз. Мария Семёновна агрегати шим тайёрласа, Саломат опа агрегати пиджак тикиб чиқаряпти. Бошқаси тугма қадаяпти. Ишнинг узлуксиз жараёнда ташкил этилганлиги яхши самара беряпти.

— Меҳрибон устозим Мария Семёновна билан ёнма ён туриб, ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилаётганимдан беҳад хурсандман! — дейди Саломат Саиджонова. — Фақат бизларгина эмас, мотористларимиз ҳам ўзаро мусобақалашиб ишлашяпти. Клавдия Шульга, Нима Неврозова бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалар тикилаётган кийим-кечакларнинг ҳамасини биринчи сортга топширишяпти. Смена топшириғи муттасил 130-140 процент уддаланяпти.

Бухородаги «ВЛКСМ XX йиллиги» тикувчилик фабрикасида устоз ва шогирдларнинг ўзаро мусобақалашиб ишлаши яхши анъана бўлиб қолган. Уларнинг ибратли, сербарака ва садоқатли меҳнати ёшларимизга ибрат бўляпти.

Бир-бирига дўст, устоз ва мураббий сифатида иш кўрилаётган бу коллективда ҳамиша яхши кўрсаткичларнинг қўлга киритилаётганлиги — ана шу аҳиллик ва иноқлик самараси.

Корхона маҳсулотни реализация қилиш бўйича ўтган йилги планни муддатидан олдин бажарган эди. Ҳамманинг бир ёқадан бош чиқариб ишлаши туфайли пландан ташқари 130 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳсулот сифати анча яхшиланди, унинг таннархи кўзда тутилганидан 43 минг сўм арзонлашди. Пландаги 1 миллион 225 минг сўм ўрнига 1 миллион 272 минг сўм жамғарма тўпланди. Ўнга яқин янги кийим моделлари ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Корхона ишчилари январь ойи планини муддатидан илгари бажардилар. Февраль ойида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортяпти.

Бу рақамлар замирида фабрика коллективининг кундалик кураши ва изланиши ўз ифодасини топган. Доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейи шарафига ижодий меҳнат мусобақасини кучайтирган Бухоро тикувчилари беш йилликни 1970 йилнинг 7 ноябридаёқ бажариш, пландан ташқари 2 миллион сўмликдан зиёд хушбичим кийим-кечак ишлаб чиқаришга аҳд қилишган.

Фабрикадаги уста ишчиларнинг меҳр тўла нигоҳини, шогирдларнинг зеҳн билан иш бажараётганини кўрган киши олинган юксак мажбуриятнинг албатта бажарилишига ишонч ҳосил қилади.

А. ШУКУРОВ.

Расмий хабарлар

СОВЕТ—КУБА ҲАМКОРЛИГИ БИТИМИ ИМЗОЛАНДИ

7 февралда Москвада Совет дўстлик жамиятлари союзи, Совет—Куба дўстлиги жамияти ҳамда Куба халқлар дўстлиги институти ўртасида 1969 йилда ҳамкорлик қилиш ва бир-бирларига делегациялар, сайёҳлар юбориш, турли материаллар алмашиш тўғрисида битим имзоланди. Битим ҳар икки мамлакат халқлари ўртасида дўстликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, коммунистик ва социалистик қурилишда эришилган муваффақиятлар билан бир-бирларини таништиришга қаратилган бир қанча оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказилишини кўзда тутади. (ТАСС).

ВИЗИТ ТУГАДИ

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг таклифига биноан, мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Чехословакия Социалистик Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат комитетининг министр — раиси Коломан Бодя 8 февралда юртига жўнаб кетди. Меҳмон СССР қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида қўлга киритилган ютуқлар билан танишди. Бир қанча министрликлар ва идораларнинг министрлари ҳамда масъул ходимлари билан учрашди.

Чехословакия Социалистик Республикасининг министри жўнаб кетиш олдидан ТАСС мухбирига бундай деди:

— Мен ҳар сафар Москвага келар экаман совет кишилари чехословак халқининг самимий дўстлари эканлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қилмоқдаман. Мен Совет Иттифоқининг олти министри билан суҳбатлашдим. Биз илмий-техника ҳамкорлигига оид кўпгина муҳим масалаларни муҳокама қилдик. Бир қанча тадбирларни ўтказиш тўғрисида келишиб олдик. Бу тадбирлар қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатининг турли соҳаларини, шунингдек ҳамкорликни кенгайтиришга имкият беради. Мен Совет ўртоқларини Осиёда қилган визитимдан жуда ҳурсандман. (ТАСС).


Фотоочерк.

«КОСМОС-265» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1969 йил 7 февралда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-265» учирилди. Йўлдош ичига 1962 йил 16 мартда ТАСС эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ қилишни давом эттиришга мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган информацияларни ишлаб чиқмоқда.



ФАРҒОНА область Олтиариқдаги нефтни қайта ишлаш заводида янги установка ишга туширилди. Натижада нефтни тозалаш ва нефть маҳсулотлари сифати анча яхшиланди.

Суратда: Янги установка.

В. Дмитриев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК ВА ТАШАККУР

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети совет халқининг космосни ўзлаштиришда эришган янги буюк галабаси — «Союз-4» ва «Союз-5» бошқариладиган космик кемаларида космонавт учувчилар В. А. Шаталов, Б. В. Волынов, А. С. Елисеев, Е. В. Хрунов ўртоқларнинг парвози муваффақиятли якунланиши муносабати билан ўз табрикларини юборган барча партия, совет ва жамоат ташкилотларига, корхоналар ва муассасаларнинг коллективларига, Совет Иттифоқининг айрим гражданларига, шунингдек Коммунистик ва ишчи партиялар Марказий Комитетларига, социалистик мамлакатларнинг ҳукуматларига, чет мамлакатларнинг бошқа давлат раҳбарларига, олимларига, жамоат ташкилотлари ва айрим гражданларига самимий миннатдорчилик ва ташаккур изҳор қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ. СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

КЎКЛАМГА ҲОЗИРЛИК

Бухоролик пахта усталари 1968 йилда мўл ҳосил етиштирдилар. Давлатга 370 минг тоннадан ортиқ пахта сотилди. Жуда кўп хўжаликлар, чунончи Свердлов районидаги Свердлов номли, Киров номли, «Коммунизм», Ғиждувон районидаги «Гулистон», «Коммунизм», Қоракўл районидаги «Октябрь», «Москва», «Ленин йўли», Киров номли, Ромитан районидаги «Октябрь», «Ўзбекистон» колхозлари, «Октябрь 50 йиллиги», «Нарпай» совхозларининг деҳқонлари ҳар гектар ердан 28-35 центнер ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил олишга эришдилар. Бунга кузги-қишки тадбирлар маромида сифатли қилиб амалга оширилгани туфайли муваффақ бўлинди.

Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва беш йилликнинг тўртинчи йилида она-Ватанга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришга аҳд қилган дала меҳнаткашлари кўкламга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Колхоз ва совхозларда ариқ-зовурларни тозалаш, ерларни полларга бўлиб, яхоб бериш, шўр ювиш ишларига киришилди. Айни маҳалда чорва фермалари, аҳоли яшайдиган пунктлардаги маҳаллий ўғитни далага ташиб чиқариш қизғин давом эттириляпти.

Қоракўл районидаги Киров номли, «Москва» колхозларида далага ўғит чиқаришда ҳар куни 450-500 киши, ўнлаб прицепли тракторлар қатнашмоқда. Мазкур хўжаликларда ҳозиргача ҳар гектар ер ҳисобига 9,5-10 тоннадан гўнг тайёрланди. Мўл ҳосил омили ҳисобланган қўй қийини кўпроқ жамғарамиз, дейишмоқда бу хўжаликларнинг пахтакорлари. Свердлов районидаги Охунбобоев номли, Киров номли, Свердлов номли, «Ленинград» колхозларининг деҳқонлари ҳам ҳар гектар ер ҳисобига 12-15 тоннадан маҳаллий ўғит тайёрлаб қўйдилар.

Қиш қаттиқ келган бу йилги шароитда ҳам ерларга яхоб бериш, шўр ювишни кечиктирмаслик деҳқонларнинг диққат марказида турибди. Бу соҳада уларга сув хўжалиги ходимлари ва гидромеханизаторлар яқиндан ёрдам беришяпти. Шу туфайли магистрал каналлар, суғориш тармоқлари барвақт тозаланди. Гарчи Зарафшон дарёсида муз ҳали эримаган бўлса ҳам, каналларга сув қўйиш, Тўдакўл, Шофиркон, Вобкент каналлари бошланадиган жойларда портлатиш йўли билан музларни парчалаш чоралари кўрилаётир. Область суғориш тармоқлари бошқармасининг Ш. Нуруллаев, А. Аслонов ўртоқлар бошлиқ участкалари аъзолари мутахассис Крестьянников раҳбарлигида кўприк ва иншоотлар олдида тўпланган муздарни портлатиб парчалаш йўли билан гидроиншоотлар шикастланишининг олдини олмоқдалар. Гидротехникларнинг кўрган чоралари натижасида Бухоро, Ғиждувон, Шофиркон районларининг пешқадам хўжаликлари шўр ювиш, яхоб беришни анча эрта бошлаб юбордилар.

Сувчилар ўртасида доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаш ҳаракати кун сайин қизғин тус олмоқда. Иссиқ кийим, резина этик билан таъминланган уста сувчилар дала ишларини сифатли бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Тажриба шуни кўрсатадики, шўр ювишни ҳозирги кунларда ўтказиш яхши самара беради. Агар бу агротехника тадбири февраль ва март ойларига қолдирилса, ерларнинг қайта шўрланиши, бинобарин ҳосилдорлик пасайиб кетиши мумкин.

Бухоро воҳасининг деҳқонлари буни яхши биладилар. Шунинг учун ҳам шўр ювиш, яхоб беришни сифатли ўтказишга интилаётирлар. Область колхоз, совхозларида бу йил жами 160 минг гектардан кўпроқ майдоннинг шўри ювилиши, шу майдоннинг салкам 40 процентида шўрни икки марта ювиш, қаттиқ шўрланган майдонларни эса уч марта ювиш назарда тутилади. Бундан ташқари, область хўжаликларида 40 минг гектар майдонга яхоб берилиши керак. Бунинг учун ҳозирги долзарб кунларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб, бутун куч ва имкониятларни ишга солиш, беш йилликнинг тўртинчи йили мўл ҳосилига пухта замин яратиш лозим.

Ҳозир Бухоронинг қайси колхоз, совхозида бўлманг, кўкламга пухта тайёргарлик кўрилаётганининг гувоҳи бўласиз. КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш мақсадида барча резерв ва имкониятларни ишга солаётган деҳқонлар меҳнатда эришган барча ютуқларини доҳий В. И. Ленин юбилейига бағишламоқдалар.

Т. НАЗИРОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДОҲИЙ СИЙМОСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмаси партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари В. И. Ленининг туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан «Доҳий сиймоси» деган кўргазма ташкил қилди. Кўргазма бир қанча бўлимлардан иборат. Биринчи бўлимда. Халқ Комиссарлари Совети Раиси Ленининг Советларнинг IX съездида қилган ҳисоботи тасвирланган фотолар бор. Кўргазмада доҳийнинг халқаро аҳвол, экономика, ички ишлар, саноат ва қишлоқ хўжалиги масалаларига оид мақолалари схема ва диаграммалар билан чиройли безатилиб қўйилган. Кўргазмада В. И. Ленининг «Бизнинг революция», «Ёшлар союзининг вазифалари» каби кўплаб асарлари ҳам бор.

Учинчи бўлим В. И. Ленин ССР Иттифоқининг ташаббускори ва ташкилотчиси деб бошланади. Бўлим доҳийнинг Совет давлатини қуришдаги фаолиятини кенг қамраб олади. Жумладан, В. И. Ленининг РСДРП II съездида қилган нутқи фото лавҳаларда берилган. 1918 йил 11 декабрда Москвада Союзлар уйининг колонна залида ер бўлимлари ва камбағал комитетларининг Биринчи Бутуниттифоқ анжумани бўлган эди. Йиғилиш президиумида ўтирган В. И. Ленин ва унинг сафдоши Я. М. Свердловнинг портретлари киши қалбини ўзига тортади. Бундан ташқари, кўргазмада В. И. Ленин 1919 йил 15 апрелда Москвада Қизил Армиянинг оғир артиллерия қисмларини кўздан кечириш ҳузурида турган фотосуратлари ҳам рангбаранг қилиб безатилган.

Кўргазма томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

А. РАҲИМОВ.

ЧОРВАДОРЛАР ҲИССАСИ

✦ Наманган областининг чорвадорлари беш йилликнинг тўртинчи йилини муваффақиятли бошладилар. Давлатга гўшт сотиш квартал планн 5 кунда бажарилди. Тирик вазнда 1860 тоннадан ортиқ гўшт қабул қилинди. Узининг йиллик планини бажарнб қўйган «Қизилровот» совхози фермаларининг ходимлари молларни бўрдоқига боқишни моҳирлик билан ташкил этдилар.

✦ Шеробод чорвадорлари давлатга гўшт сотиш биринчи квартал планнни бажардилар. 125 тонна юқори сифатли маҳсулот топширилди. Киров номли ва «Партия XXII съезди» колхозлари ярим йиллик планни бажаргаилнклари тўғрисида рапорт беришди. Шунингдек Термиз ва Сариосиё районларининг хўжаликлари ҳам квартал планини муддатидан илгари бажардилар.



СЎНГГИ ПОЧТАДАН

«ПРАВДА ВОСТОКА»—ОЛМАЛИҚ ХИМИЯ ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИДА

Ўзбекистон химиясининг бўлажак улкан гиганти қурилишида «Правда Востока»нинг сайёр газетаси чиқа бошлаганига икки ойдан ошди. Ҳар ўн кунда чиқарилаётган бу ихчам газетада зарбдор қурилишнинг ҳамма участкалари фаолияти кенг ёритилмоқда.

Сайёр газетанинг февраль ойи сонида газета мухбирининг СССР химия саноати министри Л. А. Костандов билан суҳбати, редакциянинг қурилишчи ўз оталигига олган министрлик ва бошқармалар, лойиҳа институтларига мактуби, Олмалиқ химия заводини қуришда жонбозлик кўрсатаётган қаҳрамонларнинг фаолияти ҳақида ҳикоялар берилган.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Низом Ғозиқулов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги шарафига оширилган мажбуриятлар олиб ишлаётганликлари, узоқ Олтой ўлкасидан комсомол йўлланмаси билан келиб ишлаётган Анатолий Харьков ва унинг тенгқурлари қайноқ меҳнат фаолиятини ифодаловчи материаллар газетхон эътиборини ўзига жалб қилади.

ОЛМАЛИҚ — ИНДУСТРИЯ ГИГАНТИ

Олмалиқ дўстлик қудрати билан кишиларимиз кафтида улғайяпти, камол топяпти. 90 дан кўпроқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек елкама-елка турнб ишлаб, коммунистик мўлкўлчилик барпо этяптилар. «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг кечаги сони ана шу навқирон шаҳарнинг тарихи, шаҳар меҳнаткашларининг В. И. Ленин юбилейини муносиб кутиб олиш учун курашдаги катта ютуқларига бағишланди.

Шаҳар ижроком раисининг ўринбосари А. Қоражонов, В. И. Ленин номли кон-металлургия комбинати план бўлимининг бошлиғи М.Павлюкова, илғор бригадир, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қосим Сапаров, коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи Люман Сатторов ва бошқа ўртоқларнинг қалб ҳароратига эзилган мақола ва лавҳаларида навқирон шаҳар аҳолисининг доҳий юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олиш ва натта химия гигантини бунёд этишдаги ибратли ишлари ҳикоя қилинган.

СУРАТДА: Тошкент асбобсозлик заводининг пешқадам токари Аня Гилмиддинова. Беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш мусобақасида фаол қатнашаётган бу ишчи ҳар сменада икки норма адо этмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ҚУРИЛИШ

Партия турмуши

Қурилиш республикамиз халқ хўжалигининг йирик индустриал соҳаларидан бири бўлиб қолди. Унинг миқёси йил сайин кенгаймоқда. Беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида республикамиз халқ хўжалигига 6,8 миллиард сўм сарфланди. Бу рақам бундан олдинги уч йилликдагига нисбатан бир ярим баравар ортиқдир. Капитал маблағларнинг йиллик ўсиш суръати салкам 14 процентни ташкил этди. Утган уч йил мобайнида саноатнинг энергетика, химия, пахта тозалаш, озиқ-овқат ва бошқа тармоқларида йирик ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди. Уч йил ичида 6 миллион квадрат метрдан зиёд уй-жой қурилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўтган йил бўлиб ўтган X пленуми республикамизда капитал қурилишни тубдан яхшилаш масалаларини муфассал муҳокама қилди. Пленум партия ташкилотларининг бу соҳадаги муҳим вазифаларини белгилаб, капитал қурилиш суръатларини ошириш йўлларини кўрсатиб берди. Чиндан ҳам бинокорларимиз олдида миқёси жиҳатидан кенг ва ғоят масъулиятли вазифалар турибди. Энергетика қурувчилари Тошкент, Навоий ва Тахиатош ГРЭСларида янги энергоблокларни ишга туширишлари, Сирдарё ГРЭСи ва Чорвоқ ГЭСининг дастлабки агрегатларини қуриб битказишлари лозим.

Ҳўда қисқа муддат ичида — бир йил мобайнида Олмалиқда мамлакатда йирик аммофос заводини қуриб фойдаланишга топшириш, мавжуд химия корхоналари қувватларини ошириш даркор. «Ташавтомаш» ва «Ташсельмаш» заводларида қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини ошириш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарорига кўра, республикада янгидан 13 та янги пахтачилик совхозлари ташкил этилиши, Мирзачўл ва Қарши чўлларини, Амударё қуйи этакларини суғориш ва ўзлаштириш борасидаги ишлар тезлаштирилиши зарур.

1975 йилга қадар 46 та енгил саноат корхоналари қуриш ва 12 та эски корхонани реконструкция қилиш режаси тузиб қўйилди. Шунингдек, кўплаб уй-жой ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қад кўтаради. Шуни айтиш кифояки, бу йил уй-жой қурилишига бултургидан бир ярим баравар кўп капитал маблағ сарфланади.

Эришилган ютуқлар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Лекин муваффақиятларимиз бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин эди. Қатор қурилиш ташкилотлари белгиланган планларни муттасил бажармаётирлар. Натижада янги қувватларни ишга тушириш ва асосий фондларни ўзлаштириш муддати кечикмоқда. Капитал маблағлар кўп объектларга сочиб юборилиши оқибатида баъзи қурилишлар ўлда-жўлда ётибди. Утган йили қурила бошлаган объектларнинг 17 процентн ўз вақтида битказилмади.

Кун тартибида миқёси ва аҳамияти жиҳатидан катта вазифаларни ҳал қилишдек масала турибди. Булар қурилиш ишлаб чиқаришини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Шу жиҳатдан олганда ҳозирги шароитда партия ташкилотларининг роли, масъулияти беқиёс ошди. Қурилиш ва бинокорлик материаллари корхоналарида, лойиҳа институтларида партиявий ишларни кучайтириш масаласи устида трест ва бошқармалар, лойиҳа ташкилотлари, қурилиш индустрияси заводлари партия ташкилотлари секретарларининг семинарида атрофлича фикрлашиб олинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкил этган ва тўрт кун давом этган бу семинарда ташкилотчилик ва идеология ишлари борасидаги тажрибалар ўртоқлашилди.

Фарғонадаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли 8- қурилиш трести коллективининг ишлаб чиқаришдаги ютуқлари бугунги кунда ҳаммага маълум. Коллектив бурноги йили КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Эсдалик байроғи билан тақдирланган эди. Бу ерда давлат планлари ва социалистик мажбуриятлар муттасил ошириб бажарилмоқда. Белгиланган объектлар муддатидан илгари фойдаланишга топширилмоқда. Бултур шу трестнинг 5- қурилиш бошқармаси аммиак, кучсиз азотли кислота ва аммиак селитраси ишлаб чиқарадиган қувватларни юқори баҳода қуриб топширди. Шу тариқа Ўзбекистон катта химиянинг иккинчи навбат гиганти қурилиши ниҳоясига етказилди. Нефтни қайта ишлаш заводида ҳам янги қувватлар ишга туширилди.

Трестда меҳнат унумдорлиги кейинги саккиз йил мобайнида салкам икки ярим баравар ошди. Ҳолбуки, шу вақт мобайнида трестдаги ишчилар ва инженер-техник ходимлар сони ортгани йўқ.

Трестнинг хўжалик соҳасидаги ютуқларида партия ташкилотининг роли катта. Фарғона бинокорларининг партия комитети партиявий-ташкилий ва сиёсий-оммавий ишларни хўжалик ишлари билан моҳирона қўшиб боғлаб олиб бормоқда, ишлаб чиқаришга, экономикага чуқур ёндошяпти, маъмурийликнинг хўжалик фаолиятини тўла назорат остига олган.

Кадрларнинг иқтисодий ўқувн ҳамиша партия ташкилотининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Шуниси характерлики, бу иш кампанячилик тарзида эмас, балки мунтазам равишда, кунт билан олиб борилмоқда. Партком ҳузурида қурилишда техника тараққиёти университети ташкил этилган. Бултур юзлаб инженерлар, техник ва бригадирлар бу университетни битириб чиқишди. Битириш имтиҳонларида уларнинг машғулотларда олган билимларни ишлаб чиқаришга жорий этиш қобилиятларига қараб баҳоланди.

Партком секретари И. Горбунов ва парткомнинг бошқа аъзолари иш услубида омилкорлик биринчи ўринда туради. Бу ҳол кадрлар танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда жуда қўл келмоқда. Маълумки, раҳбарлик сифатлари тугма эмас, бу сифатлар амалий иш жараёнида рўёбга чиқади. Трестда малакали бригадирлар, участка, цех ва бошқарма раҳбарлари ўсиб етишди.

Масалан, учинчи қурилиш бошқармасининг бошлиғи коммунист С. Денисовни коллективдагилар камтарилиги, ўз ишини пухта билиши, кишилар қалбига йўл топа билиши учун ҳурмат қилишади. Моҳир хўжалик раҳбари тарбиячи ва пропагандист сифатида ҳам танилган. У ҳар душанба куни бошқарманинг бирор участкасида суҳбат ёки сиёсий ахборот ўтказади. Бошқарма йил сайин топшириғини барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарастганлигининг сабабларидан бири ҳам ана шунда.

Капитал қурилишга партия раҳбарлиги ҳақида гап кетганда хўжалик раҳбарларининг ишига ҳадеб аралашаверини тушунилмайди, албатта. Оҳангарондаги «Ўзбекшахтстрой» трести ҳудди шундай қилмоқда. Партия комитети ва унинг секретари Ю. Остряков ишлаб чиқариш ютуқларини кўпайтириш учун курашда аввало касаба союз ва комсомол ташкилотларига, бутун коллективга таянади.

Партком касаба союз ва комсомол ташкилотлари орқали социалистик мусобақа ва коммунистик меҳнат ҳаракатига бошчилик қилмоқда, улар фаолиятини йўналтирмоқда. Трест коллективи беш йиллик охирига қадар планга қўшимча равишда 4 миллион сўмлик иш бажариш ва топшириқда белгиланган дан 10 минг квадрат метр кўп уй-жойни фойдаланишга топшириш мажбуриятини олган.

Ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этишда кўпчилик партия ташкилотлари маъмуриятга катта ёрдам бермоқдалар. Масалан, республикадаги энг йирик «Алмаликсвинецстрой» трести партия комитети партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш соҳасида ибратли ишлар қилмоқда. «Ўзгипротяжпром» лойиҳа институти, «Ташсантехгазмонтаж» трести, Бекобод цемент комбинати партия ташкилотлари кадрларни, ёш коммунистларни тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқдалар.

«Главташкентстрой»нинг транспорт бошқармаси партия комитети автомобиль хўжаликларини планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига кўчиришда катта иш олиб борди. «Висотстрой» трести партия ташкилоти коллектив аъзоларини В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига олган мажбуриятларини муваффақиятли уддалаш учун курашга моҳирона сафарбар этмоқда. Ишлаб чиқаришга янги техника ва илғор технологияни жорий этишда Тошкентдаги биринчи уйсозлик комбинати партия комитетининг хизмати катта.

Шу билан бирга, айрим партия ташкилотларининг иши ҳозирги кунининг талаблари даражасида йўлга қўйилмаганлигини ҳам таъкидлаш керак. Вазифа — илғор коллективларда иш қураётган партия ташкилотларининг бой тажрибасини кенг оммалаштиришдан иборат.

Республикамиз бинокорлари беш йилликнинг жуда муҳим объектларини қурмоқдалар. Улар В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллик юбилейини катта меҳнат галабалари билан нишонлаш юзасидан бошланган умумхалқ мусобақасининг олдинги сафларида бормоқдалар. Коллективларнинг ана шу мусобақасига моҳирона бошчилик қилиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, объектларни муддатидан илгари ва юқори сифат билан топширишнинг таъминлаш партия ташкилотларининг энг муҳим бурчидир.

А. АЪЗАМХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими инструктори.

ШАҲАР ХАРИТАСИ БЎЙЛАБ...

16 МАРТ Ўзбекистон ССР шаҳалли Советларига САЙЛОВЛАР КУНИ

РЕПОРТАЖ

Меҳнаткашлар депутатлари Қарши шаҳар Совети ижроия комитетини жанговар штабга қиёс этса бўлади. Ҳоналардан бирига кирамиз. Қаршимизда шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари М. Ю. Урмиева. У кишидан маҳаллий Советларга бўладиган сайловларга қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида сўзлаб беришни илтимос қиламиз. Шу пайт телефон жиринглайди. Магрифа Юсуповна қўлига қалам олиб, қоғозга рақамлар, фактлар ва фамилияларни ёзади. Сўнг «Раҳмат, кўнгироқ қилиб туринг» дея трубкани қўяди. Менга ўгирилиб саволимга жавоб бермоқчи бўлиб лаб жуфтлаган эди, яна телефон устма-уст жиринглай бошлади.

— Эшитаман. Ҳа, мен эшитяпман.

— Салом Магрифа опа, сизни 13- қурилиш трестидан безовта қиляпмиз...

Шу тоб хона эшиги очилиб «Каршистрой»нинг 1- автотранспорт идораси бошлангич партия ташкилотининг секретари А. Холметов кириб келади. Меҳнаткашларнинг сайлов комиссияларига номзод кўрсатишга бағишланган йиғилиш протоколини олиб келибди. Ер экстракция, пахта тозалаш заводларидан ҳам кетма-кет одамлар келишди. Ўртоқ Урмиева ёрдамчиси инструктор-ташкилотчи Людмила Тамасева билан биргаликда протоколларни кўздан кечирар экан, саволлар берар, баъзи фактларни тўғрилар, фамилияларни қайта сўрарди...

— 125 та сайлов округи тузилган, — дейди М. Ю. Урмиева. — бу округ комиссияларига вакиллар сайлаш тугалланди.

Шаҳар Совети ижроия комитетида сайлов ишлари харитаси бор. Унда сайлов ўтказувчи округлар кўрсатилган. Харитада янги тушган белгилар ҳам анча. Шу белгилардан бири — «Новостроительный» сайлов округини кўрсатиб турибди.

— Бундан уч йил бурун — тушунтирди Магрифа Юсуповна, — учинчи «Новостроительный» сайлов округи жойлашган Ушинский номли 9- мактабнинг ўзи ҳам йўқ эди.


Харитада белгиланган округ ва участкаларни кўриш учун шаҳар бўйлаб саёҳатга чиқдик. Ленин, Калинин, Индустриальная кўчаларида машиналар зув қатнайди...

Шаҳарда 22 агитпункт ташкил этилган. Миниг кишидан эиёдроқ сиёсий ахборотчи ва агитатор агитпунктлар атрофига бирлашган. Улар сайловчиларга совет сайлов системаси, шаҳарда рўй берган янгиликлар, ўзгаришлар ва келажакдаги юмушлар ҳақида сўзлаб беришяпти.

Советлар уйида жойлашган биринчи агитпунктга область маданият бошқармаси бошлигининг ўринбосари Ибодулла Жўрабоев мудирлик қилади. 5-мактаб ўқитувчиси Э. Раупов унинг ёрдамчисидир. Бу ерда агитаторлар иши яхши уюштирилган. Улар билан инструктажлар ўтказиб турилади, қилинган ишларга ҳар куни якун ясалади. Суҳбат ва докладларнинг плани тузилиб, улар мундарижаси ранго-ранг бўлиши учун ҳаракат қилинади. Бундай суҳбатлар сайловчиларнинг ёши, саviяси, ишлайдиган жойи, талабига қараб ташкил этиляпти. Худди шуниигдек уч комбинатдаги Р. Шодиев раҳбар бўлган 17. локомотив депосидаги Е. Клашченко мудир бўлган 21, 6- йўл қурилиш бошқармасидаги С. Толипова раҳбар бўлган 18-агитпунктларда ҳам сайловлар олдидан оммавий-сиёсий ишлар қизитиб юборилди.

Р. УРОҚОВ.

ДАҚИҚАЛАР ОРТИДА ҲАЁТ



Устоз билан шогирд тортишиб қолди. Уртада шахсий манфаат йўқ эди, амал талашиш ҳам, бир-бирини камситиш, ёқтирмаслик ҳам. Сиз оғизлари, сенга ҳам айланмаган эди. Беомон жанг кетаётган бир вақтда бу нарсалар эсга келармиди-ю, юракка сигармиди. Йўқ, устоз билан шогирдни каттароқ, жуда зарур масала, ҳаёт масаласи тўқнаштирган эди. Биласиз, ҳар қандай шароитда, ҳарқандай лавозимда чин инсон ўз феълн-атворида қолади. Пирпирашга ўхшаб шамол келган томонга бурилиб, айланадиган одамни элимиз одам қаторига қўшмайди. Бояги, Носир Хўжаев тўғри сўз, гапнинг пўстакласини айтиб қўяқоладиган йигит эмасми, бошлиғининг баъзи ғайб ишларини юзига солди.

Гап бундай.

1941 йилда Тошкент медицина институтини яхши баҳолар билан тамомлаган, актив жамоатчи Носир Хўжаев, Улуғ Ватан урушн бошланиши билан кўнгиллилар қаторида юрт ҳимоясига отланди. Даволаш факультетида медицинанинг ҳамма соҳаларини ўқиган ўрганган йигит, Оренбург шаҳри яқинидаги Саракташ қишлоғида Москва мудофаасига тайёрланаётган полкка кичик врач қилиб тайинланди. У ҳали медицинанинг бирон соҳасини танлаб, пухта эгалламасдан олмаганидан, тўғри келган ишни бажарарди. Ҳар юмушни ўз вақтида жон-дили билан, ўрнига қўйиб бажарганидан, доим ҳозирлигидан ҳамма жангчилар ғайратли, ширин сўз ёш врачни ҳурмат қиларди. Кунлардан бирида кутилмаганда, капитаннинг тоби қочиб қолгани тўғрисида хабар келди. У кўричак бўлган экан. Жарроҳ, йўқ. Қирқ чақирим йўл босиб, Оренбургдан жарроҳ олиб келингунча бемор ё бор, ё йўқ. Полк командири Носир Хўжаевни четга чақирди:

— Сен ҳеч жарроҳлик қилганмасмисан!

Носир командирнинг мақсадини тушунди.

— Жарроҳлик қилмаган бўлсам ҳам, ўқиганман, тажрибада кўрганман!

Рухсат этинг, ишга киришай!

Қишлоқда вақтинча турилгани учун, мукаммал жарроҳлик хонаси йўқ эди, устига-уст керакли асбоблар етишмасди. Қиш, совуқ кўнгилдагидек ишлашга йўл қўймасди. Буларга парво қилинса, бир одам ҳаёт билан хайрлашарди.

«Ўйчи ўйлагунча, таваккалчи сувдан ўтган экан!»деди ўзига-ўзи Носир Хўжаев, институтда жарроҳликдан дарс берган устози Содиқ Алиевич Масумовнинг сўзлари қулоғида жаранглаб кетди. «Бемор ҳар хил йўллаонн қилиб кўриб, тузалмагач, жарроҳга келади. Дақиқалар ортида ҳаёт туради. Уша дақиқани қўлдан бой бермай, тез, чаққон ҳаракат қилиш керак!»

— Хўп домла! — деди овозини чиқариб Носир Хўжаев, борига барака қилиб, ишга киришиб кетди. Қўллари енгил титрар, тер куйиб, ҳамшира унинг пешана, юзларини артиб улгурмасди.

Икки қўлини тирсагидан букиб, осмонга кўтарганча даҳлизга чиққан жарроҳ полк командирининг уйнинг у бошидан, бу бошига бориб келаётганини кўрди.

— Хотиржам бўлинг! У яшайди! — деди ишонч билан.

Шу баҳона Носир Хўжаев медсанбатга жарроҳ этиб тайинланди. Кўп ўтмай, 115-ўқчи бригада сафида Москвани мудофаа қилишга киришиб кетди. Фашистлар яраланган йиртқичдек жон аччиғида бутун кучини йиғиб туриб пойтахтга ташланарди.

Ҳар куни 200-700 киши Ватан, халқ учун қўқрагини қалқон қилиб, жарроҳлар қўлига тушарди. Носир Хўжаев билан медицина-санитария батальонининг командири—икки киши уларни жарроҳлик столига олиши, ҳаётга қайтариши керак. Тикка қолган иморат йўқ! Ажал уруғи бетиним ёғади. Баъзан табиат кўз ёши тўкади. Нима қилиш керак! Носир Хўжаев сурътини яхши кўради. Дайди ўқдан чўчимай босиб қолган иморатларнинг ертўласини қидиришдан тоиади, тозалайди, устини наон-бери бекитади, қорда лой чангаллаб печкасини тузатади, бўлмаса янгисини қуради, ишни бошлаб юборади. Сайқонларда, ўрмонларда ертўла қазийди, чодир қуради, ишни бошлаб юборади. «Бирон кишининг бевақт дунёдан ўтишига йўл қўймаслигимиз шарт» дейди у ҳамкасбларига. Кечани-кундузга улаб бемор ёнида тамаддиқ қилиб ишларди. Узгаларни ҳам ишга соларди.

Кутилмаганда, операциядан чиққан икки кишининг кўкрак қафаси шишиб кетди. Бу кўнгилсиз воқеа Носир Хўжаевни ташвишга солиб қўйди. «Нега шишади!» У бориб кўришга шошилди. Кўрди-ю, газабдан титраб кетди. «Нега! Нега!» де бақириб юборганини сезмай қолди. Тўғри, батальон командирини нега югурди.

ОЧЕРК

— Рухсат этинг! — унинг ранглари ўчган, қўллари титрар эди.

— Нега эт билан тёрини қўшиб тикиб юбордингиз? Ким айтади сизни тажрибали жарроҳ деб!

Ўрнидан туриб кетган бошлиқ Носир Хўжаевни дўқ билан босмоқчи бўлди.

— Тўғри, шароит яхши эмас, шошилиш керак! Лекин бу — операцияни нотўғри ўтказишга сабаб бўлолмайди, бу жиноят!

Биз операцияни нима учун қиляпмиз? Ҳаёт учун! Шундаймн! Бас, шунга лойиқ иш қилишимиз ҳам фарз, ҳам қарз.

Кейин, мен анчадан буён айтмоқчи бўлиб юрган эдим, ичишни ташланг. Мен устозларимни ҳурмат қиламан. ТашМИдаги устозларим — ҳаммалари ўз касбларини севишар, ҳар бир беморни тузатгунча ўзларини анча олдиришар, кучларини, вақтларини аямай жарроҳлик қилишар эди. Мен сиз ҳам ўшалардек устозлик қиларсиз, билмаганларимни сиздан ўрганаман деган эдим. Сиз бўлсангиз афсус тескарисини қиляпсиз. Бу ўша шишадаги «кўк илоннинг» иши бўлиши ҳам мумкин!

Шогирднинг аччиқ, аммо ўринли сўзлари устозни бўшаштирди.

— Кун совуқ, устига-уст қорилик... — у кўзларига милт-милт ёш қалқиб, жим қолди. — Биламан, тиғимиздан ўтган киши, тезда сафга қайтиши ёки жароҳатланганини умрбод ёддан чиқариб юбориши керак. Осойишта кунларда қандай ишлаган бўлсак, ундан ҳам зийракроқ туриб жон фидо қилишимиз зоур.

Ҳамма касбларда ҳам ақл-идрок, чуқур билим, юксак масъулият талаб қилинади. Шифокордачи алоҳида камолот бўлиши керак! Унинг хатоси— киши умри билан ўлчанади. Носир Хўжаев ўз касбини шундай ҳис қиларди. У шу ўй билан устозига тўқнашган эди.

Устоз Энди ўзини тутиб олган эди. Уз маҳоратини кўрсатиб ишларди. Уруш экан зарур вақтда шифокорлар ҳам қўлга қурол олиб, жангга кирарди. Шундай жанглардан бирида устоз. қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Орадан кўп ўтмай ёш жарроҳни дивизия штабига чақиришди:

— Носир Хўжаев. майорлик унвони, медицина-санитария батальонн командири лавозими билан табриклайман! — деди дивизия командири,—Ҳозирча, қўшимча куч беролмаймиз, ҳалок бўлган устозингиз учун ҳам ишлаб турасиз.

Жарроҳ штабдан қувонч ва катта масъулият ҳисси билан чиқди. Ахир унн, кеча-кундуз ором билмай ишлаш, дилларида не-не орзулар ёлқиб турган кишиларнинг илтижоли боқишлари, ғалабадан кейинги осойишта ҳаёт қурувчиларнинг умидлари кутарди.

Москва остонасида қозонилган ғалаба билан, кўкрагида жанговар медаль порлаган Носир Хўжаев 69-армия биринчи дивизиясининг медицина-санитария батальонига бошчилик қилиб, Сталинград жангига кирди. Фашистлар армиясининг қуёши ботган икки юз кунлик оғир жангларда, Волга ва Дон дарёлари бўйида минглаб одамларни бевақт ўлимдан сақлаб қолди.

Қўшинларимиз душманни қувиб, Берлинга қараб бооарди. Командир ва жарроҳ Носир Хўжаев тинам билмасди. Жарроҳлик қилар, ўз ҳунарини тажрибасиз врачларга ўргатиб, қисмларни мутахассислар билан таъминлар, озод қилинган шаҳар, қишлоқлардаги очлик, фашистларнинг қийноқлари эзган кишиларни қабул қилиб, йўл йўлакай даволаб, дори-дармон билан таъминлаб борарди.

У шу зафар йўлида бирга жон бериб, жон олишган дўстлари Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал Собир Раҳимовни, журналист ҳам адиб Назарматни, Адҳам Ҳамдамни ҳамда Ш. Бўлатовни, врач стомотолог Р. Маҳмудовни, яна канчадан-канча қамқурбларини қутлуғ ишида мадад бериб туришганини эслайди. Иккинчи Белоруссия фронтига жон бағишлаб борган жасур жарроҳ Берлинни, ғазандалар уясидан сўнг яна беш юз километрча масофадаги манзилларни бадкор фашистлардан тозалашда қатнашиб, 1947 йилда она шаҳри Тошкентга қайтди.

Тошкент ҳам шифокорга ташна эди. Поликлиника, касалхона, медицина пунктлари тажрибали ҳакимларни кутарди.

«Бу ҳаёт учқларини урушдан омон қайтган шифокорлар билангина тўлдириб бўлмайди» деб ўйлади Носир ака. «Кадрлар керак». У, 1939 йилда, студентлик йилларида дарс берган илм даргоҳи—республика акушерлар мактабига борди. Муаллимликни шахардаги поликлиника, касалхоналардаги жарроҳлик иши билан қўшиб, давом эттирди. Яна бедор тунлар, бетиним меҳнат, ойлаб уйга келолмай шифохонада навбатчилик қилишлар. Ҳар қадамда кутиб турган, ўқнинг йўқлиги демасангки, урушдагидек ҳаракат, фидойилик давом этди. Профессор Александр Маркович Геллер, унинг қобилиятини, меҳнатсеварлигини аниқлаб ТашМИга, илмий-тадқиқот ишига таклиф этди. «Ким илм билан, мен элимга жонбахш тиғим билан манфаат келтиришни ният қилганман!», деди у.

1958 йилда Чкалов номидаги завод ишчилар учун қўшқават, ҳушқомат шифохона қурди. Завод медицина-санитария қисмининг бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган врач Илёс Эргашев шифохонага энг яхши мутахассисларни таклиф қилди. Унинг жарроҳлик бўлимига бошлиқ бўлишни ўша вақтда ТашМИнинг 10-шаҳар касалхонасидаги базасида ишлаб турган Носир Хўжаевдан илтимос қилди. Бу таклифни шифохонанинг қадрли, тажрибали врачларидан Х. Алимов ҳам жуда маъқуллади.

Носир Хўжаев шифохонанинг жарроҳлик бўлимини жиҳозлаб. замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаб, 11 йил давомида республикадаги энг яхши жарроҳхоналардан бирига айлантирди. Устоз кўплаб ажойиб қўли гул жарроҳларга ўз тажрибасини сақийлик билан ўргатиб келмоқда. 15 шаҳар шифохонасида, врачларнинг малакасини ошириш институтида муваффақиятли ишлаб келаётган ассистент А. Ҳафизов, фан кандидати, доцент Л. Нажмиддинов, моҳир жарроҳ, муаллим билан ёнма-ён ишлаётган К. Латипов, юзлаб бошқа шифокорлар устозлари Н. Хўжаевни муттасил эъзозлаб гапирадилар.

Ун бир йил давомида Носир Хўжаев беш мин беш юздан ортиқ беморни жарро[illegible] Азамат дардига малҳам [illegible] кўрсатади. Унинг уруш [illegible]ина, 21 00-операцияларини [illegible]программ ганда ҳаммаси [illegible]ъатқорлаётади. Бу — ўн [illegible]ан Ст коммунизм қурилишига қўшган ўн икки минг қудратли, яратувчи куч демакдир.

Бу кун Н. Хўжаевнинг урушда олган иккита Қизил Юлдуз ордени, медаллари ёнида, юксак муқофот Ленин ордени ҳамда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олтин медали, бахт рамзи порлаб турибди.

Бу бахт — атоқли жарроҳ Носир Хўжаев билан бирга у ҳаётга қайтарган ўн икки минг кишининг бахти, шундай кишиларни вояга етказган совет тузумининг бахти. унн униб-ўстирган ота-онаси — тошкентлик оддий ишчи оиласининг бахти, Ўзбекистонда намунали фаолияти билан танилган шифохона ҳамда Чкалов номли завод кўп сонли коллективининг бахти, ўзбек халқининг фахридир.

Расул РАҲМОНОВ.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 528 ЙИЛЛИГИГА



МАВЛОНО НАВОИЙ

Мақсуд ШАЙХЗОДА.

(БАЛЛАДА).

Ҳирот қалъасида кўп қадим қўрғон,
Асрлар йиқитмай, мужассам турган.
Яна аиш-ишратда Темурийзода,
Сархуш каллаларга амр айлар бода.
Яна мастдир Султон Ҳусайн Бойқаро,
Кеча кўп қоронғи, ҳатто ой қаро.
У ҳам зуволаси нозик шоирдир,
Ғазаллар тўқишда анча моҳирдир.
Афғонлик, эронлик қуллар пайдарпай
Кумуш қадаҳларда тошур эди май.
Дуторнинг, чангларнинг, удниг садоси,
Осмонга чиқардн машшоқ нидоси.
Олтин тахтгохда ўлтирмиш султон,
Елпиғич елпийди оҳуйи—Хутон.
Кўп дилкаш рақс айлар ҳинду қизлари,
Тизилар Хиванинг нижу қизлари.
Султонининг анчага етса ҳам ёши,
Ашула истайди туманли бошн.
Санамлар лабида учар жилвали —
Амир Алишернинг сўнгги ғазали:
«Кўнгулнинг хонумонин берди барбод
Ғами ишқингки, хонумони обод,
Мени ёд айламак нечун унутдинг
Унутиб, нетти гоҳи айласанг ёд?
. . . . . :
Сенга сайд бўлгали урён бўлибман.
Қачон юлди тириклай қушни сайёд?
Кўнгул жинси башардин асраб охир —
Мени девона қилди бир паризод.
Навоий, ёр фарёдингга етмас,
Анинг фориғлигидин айла фарёд»!
Не хуш дебди ул ғамли дардманд,
Ғамгинлар дилига ғам қилар пайванд,
Лекин зиёфатда кўринмас шоир,
Султон буюради: «Топилсин ҳозир!»
. . . . . .
Ҳирот қалъасида эски кошона,
Акс-садо берар тунда паймона,
Огир уйқуларга толгандир Ҳерй*)
Гўёки чарчабди азалдан берн.
Ҳерининг энг танҳо бир гўшасида,
Боғларга элтувчи тор кўчасида
Пойтахтнинг хилватгоҳ маҳалласи бор,
Унда шинам уйнинг дарвозаси бор.
Боғчаси ям-яшил, деворн сариғ,
Болохонасида доимо ёрнғ,
Бу ерда қаламин юргизар шоир,
Дунёю-оламни ҳўб кезар шоир,
Самарқанд, Исфиҳон ва Румни кезар;
Арманни, Ширвонни, Қримни кезар.
Файласуф шоирдир, ҳикматпараст у,
Унга ёр Афлотун, Луқмон, Арасту,
Узмшар Низомий устози нла,
Ҳисрав-ла, ҳофизи Шерозий кла,
Жўмард қаламидан ҳаёт бермлар,
Улган қаҳрамонлар яна тирилар,
Отланиб лашкарин бошлар Искандар;
Золим подшоҳлар қочар дарбадар,
Қувончлар мухлиси — шоирлар шоҳи..,
Аммо кўп мунгляднр Лайлининг оҳи,
Қафасда ўртанар вафоли қумри,
Мажнуннинг саҳрода ўтмоқда умри.
Ишқнинг айнимас мардидир Фарҳод
Эвоҳ, унинг ҳам насиби фарёд!..
Бу ғамгин мусибат уни тиғлайди,
Шоирнинг ўзи ҳам бунга йнглайди.
Нега раиглар ичра кўпдир қаро ранг
Нега бу дунёда қовушмас оҳанг!
Буни на замона ечди, на мози,
Кўп узоқ чўзилди тақдирнинг нози.
На Сино ҳал қилди, на Арастуси,
Бунга жавоб берар балки келгуси.
Навоий ўйлайди бош солиб қуйи,
Қулоқда жаранглар иқболнинг куйи,
Езаркан «Ҳамса»нинг энг сўлим бобин,
Одамзод зеҳнининг гўзал китобин —
Эшикда тақиллар ясовул қўли...
Нечук фармон билан келган шоҳ қули!
..Дарахтлар уйғонган, яшнаган кўклам,
Шоҳ мисра устида ишлар шоир ҳам.
Ҳайҳот, унн энди Султон чақирар,
Бу кун ҳам султоннинг анча кайфи бор..
* * *
Эҳтиром ичида адиб кутилар,
Урфларга муносиб гуллар тутилар,
Ҳасадни яширмас кўзлар ғазаби,
Қиш куни булутнинг қорлари кабн.
Кийимлар шоҳона, руҳлар ёввойи,
Кўп яхши билади буни Навоий.
Султондан бир таклиф — «Қани, эй шоир,
Шеърнинг амирн, ўқинг битта шеър!»
Навоий чертади бармоқларини,
Созлайди танбурнинг қулоқларини,
Инглар ва йнғлатар тор пардасини,
Айтиб инсон дардин энг каттасини:
«Май ичингким, даҳр эли ичра кўп истаб топмадук,
Аҳду паймонида бўлган устивор эй дўстлар!
Ёрингиз васлин ғанимат англабон шукур айлангиз,
Ким Навоий бўлди бекасликда зор, эй дўстлар!»
Кўп нозик илинар ғазалнинг тиғи,
Асира дилбарлар бошлайди йиғи.
Оҳ яна эсига «Ҳамса»си тушди,
Навоий хаёли мисрага учди.
Ижозат истайди сархуш султондан,
Шеърга май қуйган соҳибқирондан,
Чунки уни кутар уйида мисра!
Лайлиси, Ширини, Искандар, Хисра»,
Навоий қўлида сўнгн май жомн,
Уни чақиради Низомий, Жомий..,
Марҳамлар таъзим-ла кузатар уни,
Машъаллар ёритар шоир йўлини,
Инсоннинг инсонлик шаънига доир
Бир байтни шу пайти тўқийди шоир:
«Тут гадолиғни Навоий мутганам,
Шоҳлар олида бош индурма куп!»
* * *
Сен тинмай юз минглаб байтлар битгансан,
Адолат ахтариб ўтиб кетгансан.
Кўзингда гўзалдир фақат яхшилик,
Ишонгин, шу кунда бўлсайдинг тирик,
Ленин иншонига бўлардинг сазо,
Олий Советга ҳам сайлардик аъзо.
Афсуски, беш аср ажратди бизни,
Лекин сўндиролмас шамол юлдузни.
Бошингда сақлардинг ақл нукрасин,
Даҳонг ёриб ўтди асрнинг маррасин.
Эй, ўртоқ Навоий, зўрсан, йириксан,
Сен тирик шоирдан руҳан тирнксан,
Сен ўзбек халқининг ўлмас аждони,
Миннатдор, элингнинг соғ граждани.

1939 йил.

*) Ҳиротнинг иккинчи номи.

ТИЛ ВА ТАФАККУР ТАЪРИФИДА

Алишер Навоий бой ва сермазмун ижоди, ажойиб истеъдоди билан Ўрта Осиё маънавий маданияти, ижтимоий-сиёсий, фалсафий фикрлар тараққиётида ёркин саҳифа очган қомусий мутафаккирдир.

Навоийнинг ижтимоий-сиёсий ва лингвистик қарашларида тил ва тафаккур масаласи алоҳида ўрин тутади. Улуг мутафаккир асарларида бутун-бутун боблар, минглаб мисралар тил ва тафаккур таърифига бағишланғандир. Унинг тил ва тафаккур масалаларига доир фикрлари муҳим аҳамиятга молик бўлиб, махсус илмий тадқиқотга лойиқдир. Навоий тил ва тафаккур ҳақида ўзига хос таълимот яратди.

Маълумки, ҳар бир давр фани, шу жумладан фалсафа тараққиёти ёки унинг бирор соҳаси ҳақидаги таълимот ўтмишда яратилган маънавий бойлик — илмий мерос асосида вужудга келади. маълум даражада унга асосланади, ундан келиб чиқади. Шу жиҳатдан қараганда Навоийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари, тил ва тафаккур ҳақидаги ажойиб фикрлари — бу, XV асрнингина ёки фақат Навоий ақл-заковатининггина маҳсули деб қараш тўғри бўлмайди.

Тил ва тафаккур ҳақидаги таълимот илк ўрта аср, Яқин ҳамда Ўрта Шарқдаги ижтимоий-фалсафий фикрларда муайян анъанавий характерга эга бўлиб, ўз навбатида манбалари жиҳатидан Шарқ жумладан Ўрта Осиёдаги илк Уйғониш даврига бориб тақалади. Ал Фарғоний, Ал Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний, Маҳмуд Қошғарий каби инсон тафаккурининг буюк намояндалари ана шу илк Уйғониш даврининг Ўрта Осиёдаги улуг сиймоларидир. Уларнинг қарийб ҳаммасининг асарларида тил ва тафаккурга доир фикрлар мавжуд. Улар ижтимоий ҳодиса бўлган тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситаси (В. И. Ленин) эканлигини, тилнинг тафаккур билан чамбарчас боғлиқлигини, яъни тилсиз тафаккур, тафаккурсиз тилнинг бўлмаслигини ўзларига хос равишда ўша давр нуқтаи назаридан талқин этганлар. Масалан, Форобий «Бахт-саодатга эришув ҳақида» деган фалсафий рисоласида «...инсон инсоний камолотга эришуви учун сўзлашга муҳтождир, ҳар бир инсон табиатида бошқа бир инсон ёки кўпчилик билан муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш хусусияти бор», деб ёзса, Маҳмуд Қошғарий «Девону луғати турк» асарида «Одамлар бир-бирларини сўзлашиб тушунадилар» деб таъкидлайди. Шунингдек. Ибн Сино ҳар бир тилни, сўзни фикрнинг белгиси сифатида талқин этиб, кишилар фақат мана шу сўз—белги воситасида муомала қила олишлари ҳақидаги фикрни илгари суради. Бу мутафаккирларнинг ҳеч қайсиси тил билан тафаккурнинг диалектик бирлигига, ҳар қандай фикр фақат тил материали негизида вужудга келиши ва ифодаланишига шубҳа қилмаганлар. Бироқ Ўрта Осиё мутафаккирлари тил ва тафаккур ҳақида фикр юритар эканлар, бунда инсон ақл-заковатига, тафаккурига юқори баҳо бериб ҳамма нарсани ундан келтириб чиқарадилар.

Файласуф ва тилшунос олим Навоий мана шу ўрта аср мутафаккирларининг тафаккур ва тил ҳақидаги илғор таълимотини қунт билан мутолаа қилди ҳамда уни ўз асарларида нисбатан чуқурроқ, батафсилроқ тасвирлади ва такомиллаштирди. У тил ва тафаккур ҳақидаги анъанавий таълимотни ўз даврндаги илм-фан даражасида асослади. Навоийнинг хизмати яна шунда кўринадики, у ўзидан олдин ўтган мутафаккирларнинг ақл, тафаккур ва тил ҳақидаги илғор гояларини ривожлантириб, замонасидаги ижтимоий-фалсафий фикрлар асосида бу тўғрида нисбатан мукаммал таълимот яратди. Навоий ўзининг бу таълимотида кишиларнинг амалий фаолиятида, билиш жараёнида ақл, тафаккурнинг муҳим ролини эътироф қилиш билан бирга сўзга, тилга кўпроқ эътибор берди. Навоийнинг тил ва тафаккур ҳақидаги таълимоти мана шу жиҳати билан ўтмишдошлари таълимотидан ажралиб туради.

Навоий жамият, турмушдаги ҳамма нарса, ҳодисаларни, яъни яхшиликни ҳам, бахтни бўлишни ҳам, бахтсизликни ҳам тилга, сўзга олиб келиб боғлайди. Масалан, унинг «Имкони бор ҳар бир яхшилик — сўз орқалидир», «Бахт келтирувчи мусаффо руҳ манбаи ҳам тил, ёмонликлар чиқар ўрни ҳам тил», деган фикрлари бунинг далилидир. Навоий жамиятни ҳам, ундаги адолатсизлик, ахлоқсизлик ва шу кабиларни ҳам тил, сўз, илм-маърифат ёрдамида тузатиш, йўқотиш мумкин деб ўйлайди. Бу борада у сўз, тилни муҳим восита деб билиб, тил ва сўзнинг қудратини жуда юқори баҳолайди. Навоийнинг ёзишича, тил ва сўз ҳар қандай мураккаб вазифани ҳал қилувчи кучли восита бўлиб, ҳатто олтин-пул ҳал қила олмаган нарсани ҳам амалга оширади:

Ганч бериб бўлмас экан тутса кўз,
Удча қилур вақтида бир яхши сўз.

Бу ўринда олим ганж — олтин, дунё бериб уддаланмаган ишнинг ўрни билан айтилган бир оғиз сўз билан ҳал этилганини таъкидлаяпти.

Навоийнинг тилни юксак қадирлаб, унинг қудратини бундай юқори баҳолаши албатта, бир томондан олимнинг ютуғидир. Иккинчи томондан, Навоий ижтимоий-фалсафий қарашларидаги, хусусан, тил ва тафаккур ҳақидаги таълимотидаги камчиликлардан бири ҳам шунда кўринади. Яъни, у жамиятдаги адолатсизлик ва ўзаро зиддиятларни тугатиш ва уларни ўзгартиришнинг омилини ижтимоий-иқтисодий негизлардан қидирмайди, у бунга илм-маърифатни, тилни равнақ эттириш, тил, сўз таъсири орқали эришиш мумкин деб ўйлайди. У ўз асарларида сўз, тилнинг жамиятдаги ролига ниҳоятда юқори баҳо бериб юборишининг боиси ҳам шунда бўлса керак.

Навоийнинг умуман тил, хусусан, ўзбек (турк) тили ҳақидаги қарашлари асосан «Муҳокаматул луғатайн», «Хайратул аброр», «Садди Искандарий», «Вақфия» ва бошқа бир қатор асарларида баён қилинган. Унинг «Муҳокаматул луғатайн»и умуман тил билими, хусусан, ўзбек тили тўғрисидаги ажойиб асардир. Мазкур лингвистик рисолада муаллиф тил тўғрисида қазарий мулоҳаза юритади. Тил ривожининг асосий босқичларини аниқлаш мақсадида Навоий тарихга мурожаат қилади, тил тақдирини мамлакат тараққиётининг тарихий босқичлари билан боғлайди.

«Ўзбек тилининг мавқеини кўтариш мақсадида Навоий тилларнинг тенг ҳуқуқлиги учун курашиб, бу масалани ўзининг «Муҳокаматул луғатайн» асарида фалсафий асослаб беришга ҳаракат қилди.

Навоий таъбири билан айтганда «...такаллум чоғида киши анга (сўзга) муҳтож бўлур». Шу билан бирга Навоий тилнинг пайдо бўлишида, уни ривожлантиришда кишиларнинг актив ролини тан олади. Навоий фикрича, тилнинг яратувчиси, мавж уриб турган сўз денгизидан ғаввос бўлиб сўз жавоҳирларини теручи ҳам шу инсоннинг ўзидир:

Ки кишн сўз баҳрида ғаввос эрур,
Ким гуҳари маъни анга хос эрур.

Навоий тил, сўзни фикр ифодалаш, фикр алмашувнинг муҳим воситаси деб билади. У кишиларнинг асосан тил, сўз ёрдамида бир-бирлари билан фикрлашишларини, алоқа боғлашларини, сўзнинг «ўликка жонга жонондан» хабар беришини тўғри тушунди:

Сўздурки, нишон берур ўликка жондин,
Сўздурки, хабар берур жонга жонондин.

Алишер Навоий тил, сўз, нутқ инсонни ҳайвонот дунёсидан ажратиб турувчи муҳим белги эканлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатади:

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

«Сўз чамани ичра наво кўргузай», деб орзу қилган Навоий бу борада ўзи кутгандан ҳам юксакликка эришди.

Навоийнинг умуман тил, хусусан, ўзбек (турк) тили ҳақидаги қарашлари асосан «Муҳокаматул луғатайн», «Хайратул аброр», «Садди Искандарий», «Вақфия» ва бошқа бир қатор асарларида баён қилинган. Унинг «Муҳокаматул луғатайн»и умуман тил билими, хусусан, ўзбек тили тўғрисидаги ажойиб асардир. Мазкур лингвистик рисолада муаллиф тил тўғрисида қазарий мулоҳаза юритади. Тил ривожининг асосий босқичларини аниқлаш мақсадида Навоий тарихга мурожаат қилади, тил тақдирини мамлакат тараққиётининг тарихий босқичлари билан боғлайди.

Тафаккур бирла билмиш одамизод,

деб ёзади:

Сўз таърифи Наронийнинг тил ва тафаккур ҳақидаги таълимотида алоҳида ўрин тутади. Унинг асарларини синчиклаб кўздан кечирар эканмиз, уларда фикр ифодаланишининг воситаси бўлган сўз тўғрисида илмий қимматга эга бўлган ажойиб фалсафий фикрлар илгари сурилганлигини кўрамиз. Олимнинг тил ҳақидаги қарашлари сўз тўғрисидаги тушунчага асосланади. Ҳақиқатан ҳам инсон ўз фикрини сўзда, тўғроғи, сўзлардан тузилган гапда ифодалайди. Ахир, ҳар қандай тилнинг, жумладан ўзбек тилининг луғат бойлиги ҳам, грамматик қурилиши ҳам ана шу сўз негизида таркиб топади. Шу сабабли тилни сўздан, сўзни тилдан ажратиб ёки уларни бир-бирига зид қўйиб бўлмайди.

Навоий сўз билан маъно (фикр), шакл билан мазмун ўртасидаги муносабатни кўрсатиш йўли билан ҳам тил ва тафаккурнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлигини анча ишонарли қилиб тасвирлайди.

Олим сўз билан маънони биргаликда олиб қарайди. сўз маъносиз маъно эса, моддий қобиғ-сўзсиз бўлиши мумкин эмаслигини айтиб, маъносиз сўзни «жонсиз танга ўхшатади. «Бир неча сўз ул маънида ким»—деб ёзади Навоий «Ҳайратул аброр» достонида, — сўздаги маъни жони дурурким, сўз қолиби онсиз қолибе дурур жонсиз ва ани топмоқ ишини киши билмас, балки они топқон киши топилмас»...

Кишилар ўзаро суҳбатлашар, гаплашар экан, сўзда ифодаланган муайян маъно (фикр) туфайли бир-бирини тушунади. Бу ҳақда «Муҳокаматул луғатайн»да қуйидагиларни ўқиймиз: «Маъни адосида алфоз тилга келур ва ул алфоздин маъни фаҳм бўлур... Маоний зебаларга тақрир либосига (сўз қобиғига) кирупдирар ва ул ҳужжата алфоз ва ишорат билан воқе бўлубтур». Шу сабабли Навоий бирор кишининг сўзини тинглаганда, шу шахснинг кимлигига эмас, балки сўзнинг маъносига эътибор қилишни маслаҳат кўради.

Кўринадики, Алишер Навоий ўзининг тил ва тафаккур ҳақидаги таълимотида тил тўғрисида фикр юритар экан, асосий эътиборни сўзга, тафаккур масаласида эса фикр (маъно)га қаратади. Фикр, маъно, Навоийнинг тафаккур, сўзнинг, тилнинг мезонидир. Бинобарин, Навоий тил ва тафаккурни бир-бирига боғлиқ ҳолда олиб қараб, инсон тафаккурининг ўша даврн учун илғор ва оригинал фикрларни кўтариб чиқади. Унинг илмий мероси, жумладан тил ва тафаккур ҳақидаги таълимоти ўзидан кейин ўтган Ўрта Осиёлик шоир ва мутафаккирларга таъсир этиб, уларнинг ижоди ҳамда бу масалаги қарашларида ижобий из қолдирган.

Ўз замонасида инсон ақл-заковатининг қудратини куйлаган, илм-фаннинг қучини эътироф қилган ғараққиёт гояларини, илмий, ижтимоий фалсафий фикрларни тарғиб қилган Алишер Навоийнинг тил ва тафаккур таърифидаги юқорида келтирилган фикрлари орадан беш асрдан зиёд вақт ўтган бўлишига қарамай, ҳамон ўз илмий қимматини сақлаб қолаётир.

М. ХАЙРУЛЛАЕВ,
фалсафа фанлари доктори.

С. ОБЛОҚУЛОВ,
илмий ходим.

Тўйхат

ТОЖИБОЙ ЧОЛНИНГ АЗАМАТ ЎҒЛИ



(ҚОЗОҚ ШОИРИ АБДИЛЛА ТОЖИБОЕВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА)

<> <>

Сен инсон зотига севинч бағишлай оладиган шоирсан, сенинг шеърларинг Олотов этакларида. Эшиккўл қирғоқларидаги чаманлардек юз ранг, атрлик эпкинда чайқалгувчи жимир-жимир чечаклардай дилни маст этади. Сен бутун дилинг, борлигинг, бор-йўғинг билан Ватанга, инсонга фидоий қалам эгасисан.

Инсон чириллаб-ингалаб дунёга келади. Озми-кўпми умр кўради: биров судралиб умр кечиради биров ҳаётнинг аччиқ-чучигига чидаб, курашиб, тер тўкиб, ҳалол нон еб ва одамзод учун арзигулик бир эсдалик қолдириш армонида уриниб умр кўради. Сен ўшандоқ ўғиллардансан, сен ўшандоқ — юртингга фидоий қаламкашлардансан.

Қадим Оқмачит шаҳрида, дарё ёқасида сен туғилган қамиш капани кўрганим бор. Сенинг тенгдошларинг билан суҳбат қурганим бор.

— Ҳа, Абдилла бизнинг куйчимиз-ку, — дейишади. Дарҳақиқат, сен севикли юртинг ва юртдошларинг куйчисисан. Замон ва ёруғлик куйчиси. Сен ҳозир яшаб турган Олмаота марказидаги ҳовли, икки қаватли оқ уй, гулзор — сенга юрт ҳурматидир. Сен фақат шоиргина эмас, олимгича эмас. арбоб ҳамсан. Қурултойларда чиғил масалалар ечимида қўл кўтаришга ҳақли арбобсан. Бу ҳам меҳнатингга яраша юрт ҳурмати.

* * *

Бу кунларда бутун Қозогистон бўйлаб сенинг номинг янграмоқда. Кўмир конларида, йайловларда, мактабларда, дорилфунунларда, клуб саҳналарида сенинг шеърларинг ўқилмоқда. Бу бизнинг ҳам севинчимиз, Абдилла. Бу ахир, шеърият тўйи. Демак, бедор кечаларинг, манглай теринг беҳуда кетмабди. Чаккаларингга барвақт тушган оқ толалар беҳуда кетмабди.

Қозоқ адабиёти ва маданияти хазинасига қўшган дурдоналаринг саноғи қирқ. Айтишга осон. Қирқ китоб. Сен улкан сўз санъаткори. Тийран ғоявийлик, бой мазмундорлик — сенинг қирқ китобингга хос хислатдир. Сен фақат ўз юртингдагина эмас, қардош жумҳуриятларда ҳам, олис элларда ҳам донгдор қалам эгасисан. Довруғинг баланд. Сенинг қирқ китобинг халқчил, халқ дилига халқ ҳаётига чамбарчас боғлиқ. Халқчиллик ва партиявийлик, Ватанга фидокорлик ғоялари сен яратган асарларда ёркин ва камолот поғоналарида.

Сен устоз Ойбек билан қалин дўст эдинг ва забардаст Ғафур Ғулом билан ҳамиша ҳазилкаш эдинг. Бизнинг пешқадам қаламэгалари билан ҳамнишалик бордиқолдинг бор. Сен бизнинг адабиётимизга ва биринчи галда Навоийимизга ошиқлардан бирисан. Кузатиб борасан. Кенгашлар айтасан. Камолотимиздан чексиз қувонасан. Яқинсанда.

Абдилла, сен нағиз қозоқ шоирисан. Сенинг ёганларингда қозоқ тили, қозоқ қалби, қозоқ характери, қозоқ табиати, йилқичи ва галлакор, кончи ва геолог, қуйчи ва ёш олим, қорли чўққилар ва яшил тог оралари, зилол шалолалар ва сўнгсиз қумлоқлар ўз тасвирини топгандир. Буни ўзбек китобхони сенинг таржима шеърларингда аён кўради. Сен нағиз қозоқ шоири бўлганинг учун ҳам бутун қардош халқларга севимлисан. Тушунарлисан. Ардоқлисан. Чунки, ўз халқининг чинакам куйчисигина ўзга халқларга севимли бўла олади. Яъни сен интернационал шоирсан.

Мен сени кўпроқ шоир сифатида танийман, ўқийман, қадрлайман. Шунинг учун кўпроқ шеърнинг устида сўз юритаяпман. Бир кез Жамбулнинг 100 йиллигига борганимда, Олотов этагида, булоқ бўйида ўтириб ҳордиқ олган эдик. Ўша даврда ўтирганлардан анчаси ҳозир йўқ. Абдилла, сен ўша булоққа ўхшайсан. Тиниқсан. Қирғоғинг чаманзор. Чанқоқ қушлар, оқуудар туш пайти сувингни ичиб, яшил тўқайларга кетишади. Йўқ, сен ўша булоқ тепасидаги чинорга ўхшайсан. Соябонсан. Япроқларинг орасида сайроқи қушлар макон тутади. Бақувватсан. Томирларинг ернинг қат-қатида. Йўқ, сен тикка тогсан. Этакларинг — яйловлар, шошқин сувлар. Сен турган жойдан ҳаёт ва табиат кафтда тургандай аниқ кўринади. Йўқ, бари бекор. Сен булоқ ҳам эмас, чинор ҳам эмас, инсонсан. Ўша ардоқли, заҳматкаш инсон.

Олтмишга қадам қўйдинг, бу ҳазилакам довон эмас. Лекин сен бу довонга қуруқ қўтарилмадинг, юкинг оғир ва қимматбаҳо. Сен, менинг ўйлашимча, нағиз яратиш палласига ўтдинг. Чаккаларингда оқ излар бор-у, лекин ўзинг чинордай тик ва бақувватсан. Ҳамиша қирчиллаб юравер. Оловли ўланларинг жаранглайверсин, қўшиғинг ҳеч ҳам тинчасин. Қўшиқларингдан ҳамиша замон ва замондошларинг завқини аллалагувчи оҳанглар оқаверсин. Мен сенинг ўзбек юртидаги китобхонларинг дилидаги яхши тилакларни ифода этяпман, эй Тожибой чолнинг азамат ўғли, халқ ўғли, замон куйчиси, ўзбек адабиётининг қалин дўсти ва Қозоғистондаги тарғиботчиси, бизнинг тенгдош, севикли Абдилла!

МИРТЕМИР.

Абдилла ТОЖИБОЕВ.

КОММУНИСТ СЎЗИ

(ПАРЧА)

...Эсимда илк бор дон сепган йил,
Ургилай дон сепган элимдан.
Қозоқлар қўрқ ер очганда,
Уруғлик олгандик Лениндан.
Курганман донни ҳам, терни ҳам,
Бўз ердан кўтардик не хирмон.
Лениннинг ўзини чақириб,
Шу тўғгич хирмондан едик нон.
Талайнинг маталин эшитдим,
Узнча етакчи ва мам-ман.
Алданиб, кеч қолдим эҳтимол,
Лекин ҳеч қолмадим Лениндан.
Чунки мен партбилет олганман
Узгамас, худ ўша Лениндан.
Менга у билетни топширган
Ажойиб ленинчи сенимдан*)
Деди у: Ишончим зўр сенга,
Кун юзин кўланка чалмасин.
Миқти бўл, Абдилла, қарогим,
Кўкламни муз босиб қолмасин.
Тоза тут тогларнинг қорини,
То қорни қон босиб қолмасин,
Урмонлар сўлмасин-сарғаниб,
Чечаклар қуёшсиз тўнгмасин.
Тоза тут дарёлар саҳосин,
Узанлар қум босиб қолмасин.
Чаманлар чанқашиб, қовжираб,
Қушлар ҳам беқўним толмасин,
Кузат сен курраниг оқишин,
Ободлик қаровсиз қолмасин.
То уруш қайгунинг тамғасин
Одамзод жонига солмасин.
Эшилар ўртаниб — ёнмасин,
Бешиклар бувансиз қолмасин.
Кўнгиллар куйнгга тўлмасин,
Кўзларда қонли ёш бўлмасин.
Сен жавоб берасан бугунга,
Сен жавоб берасан эртанга.
Бермагин дунёни ҳеч кимга,
Бермагин ўт қўйиб ўрташга.
Узгамас, ўзингдай бўлгум деб,
Онт этдим шунда мен Ленинга
Тогларда янгради анс-садо,
Таралди ўша онт элимга...
* * *
Мен жавоб бераман бугунга,
Мен жавоб бераман эртанга.
Бермайман дунёни ҳеч кимга,
Бермайман ўт қўйиб ўрташга.
1966.

* * *

Сўрайсиз—мен нега тинмайман,
Сув темир сўмсада, синмайман.
Босса-да юз касрат, қайги, ғам,
Бунилмас бел ҳатто жиндай ҳам.
Мен қандоқ тик, расо турмайин,
Бўйимда қонлар жўш бор.
Жонимда жарангдор ва майин
Ел чалган сурнайлар куйи бор
Мен қандоқ керилиб турмайин,
Қалбимда кўп қирлар сирй бор,
Унимда ойларнинг садоси,
Жонимда йилларнинг жири бор.
1966.

* * *

Ўртчилар**) ёпирилиб ўчира олмайди,
Жонимда гуриллаб ёнгучи ўтлар бор.
Бурқсиган тутунни юз пуфла, ёнмайди,
Чачраган чўғларим сўнмайди, оташюр.
Мен ўтдан яралдим, мен ўтдан қон олдим,
Босса ҳам сел, тўпон — ёнаман.
Сўнмайман.
Ярқираб чиққанман қоронги қамалдим,
Сўнасан, дейсанми? Бекор гап.
Кўнмайман.
Подшолар ўлибди, полвонлар ўлибди,
Заналар синибди, темирлар синибди.
Қай оқин, қай ерда, қай маҳал сўнибди?
Қай худо ўланнинг ўланин кўнибди?
1966.

*) Сенким — ишонч маъносида.

**) Ўртчилар — ўт ўчирувчилар маъносида.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Планетамизда

ИТАЛИЯ МЕҲНАТКАШЛАРИ ИШ ТАШЛАДИ

РИМ. ТАСС мухбири Ю. Лопатиннинг хабар беришича, Италияда бошланган умумий забастовка мамлакатнинг ҳамма қисмига ёйилган. Дастлабки маълумотларга қараганда ишчи ва хизматчилар, деҳқонлар ва ҳунармандлар, савдогарлар ва батраклардан 18 миллионга яқин киши бу забастовкада қатнашмоқда. Забастовка мамлакат иқтисодий ҳаётининг деярли ҳамма томонларига зўр таъсир кўрсатди. Фабрика ва заводлар тўхтаб қолди, магазин ва бозорлар ёпилди, банклар ва кредит муассасалари ишламаётир, почта, телефон, транспорт ишларида катта узилиш рўй берди. Мамлакатда эрталабки ва кечки газеталарнинг бирортаси ҳам чиқмади. Театр ва кинолар ёпиқ.

Турли сиёсий фикр ва турли эътиқодларга мансуб меҳнаткашлар маҳкам жипслашиб, биргаликда ҳаракат қилмоқдалар. Мамлакатдаги энг йирик учта касаба союз бирлашмаси. Умум итальян меҳнат конфедерацияси, Италия меҳнат союзи ва Италия меҳнаткашлари касаба союзлари конфедерациясининг даъвати билан забастовка ўтказилмоқда.

Италиянинг миллионларча меҳнаткашлари нима учун курашмоқдалар? Умумитальян меҳнат конфедерациясининг матбуот бўлимида ТАСС мухбирининг саволига шундай жавоб қайтардилар: «Пенсияларни ошириш ва пенсия таъминотининг бутун системасини демократик асосда ислоҳ қилиш учун кураш олиб борилмоқда. Меҳнаткашларнинг вакиллари билан ҳукумат вакиллари ўртасида шу масала юзасидан кўпдан бери музокаралар олиб борилмоқда. Бундан аввалги забастовка кураши натижасида муайян натижаларга эришилган эди. Ҳукумат ва корхона эгалари бир мунча ён берган эдилар. Аммо бу сира ҳам кифоя қилмайди. Италия ишчилар синфи ҳозирги кундаги ҳаракати билан ана шу энг муҳим проблеманинг қониқарли суратда ҳал этилишига эришиш учун қатъий кураш олиб боришга қарор берганлигини намойиш қилмоқда. Меҳнаткашлар, жумладан, пенсия ёшини эркаклар учун ҳозирги 65 дан 60 ёшга ва аёллар учун 60 ёшдан 55 ёшга қисқартиришни талаб қилмоқдалар».

Италиянинг ҳамма қисмида забастовка билан бир вақтда митинглар, йиғилишлар ва намойишлар ўтказилмоқда. Асосий намойишлар Рим, Неаполь, Милан, Турин, Генуя, Палермо, Флоренция, Венеция ва бошқа шаҳарларда ўтказилади. Бу шаҳарларда мамлакатдаги ана шу учта энг йирик касаба союз марказлари раҳбарлиги аъзолари меҳнаткашлар олдида нутқ сўзлайдилар.



КУБАДА шакар қамишини ўриш мавсуми бошланди. Мамлакат вилоятларида кенг қўлланилаётган қишлоқ хўжалиги техникаси деҳқонлар меҳнатини енгиллаштирмоқда. Суратда: Матансас вилоятидаги «Либертадора» хўжалигида шакар қамишини комбайн билан ўриш пайти.

Пренса Латина — ТАСС фотоси.

«БОННИНГ ПЕКИНГА ЖИЛВАСИ»

ВАРШАВА, 7 февраль (ТАСС). Варшавадаги ҳафталик «Культура» газетасида «Пекин билан Бонн» сарлавҳали мақола босилди. Мақола автори журналист Я. Рошковский: «Бонн билан Пекин ўртасидаги муносабатлар тобора кенг-ассиқ бўлиб бормоқда» деб ёзади. Мақолада айтилишича, Ғарбий Германия Пекинни ўзига иттифоқчи қилиб олишни ва айниқса, Хитой раҳбарлари халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатида бузғунчилик йўлига тушиб олиб, Советларга қарши иш олиб боришни ва социалистик мамлакатларга туҳматлар ёдиришни ўз ташқи сиёсатларига асосий мазмун қилиб олганларидан кейин Бонн Пекинни ўзига шерик қилиб олишни ўйламоқда.

Поляк публицистининг ёзишича, Ғарбий Германия саноатчилари ва молиячилари Хитой Халқ Республикасига «хусусий» визит билан тез-тез бораётган бўлиб қолдилар. Импорт билан экспорт ўртасидаги нисбат Хитой фойдасига бўлмаётганлигига қарамай, икки ўртада савдо-сотиқ йилдан-йилга кенгайтирилмоқда. Хитой Халқ Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги товар оборати 1963 йилдагига нисбатан беш баравар кўпайди. Германия Федератив Республикаси Пекинга «гарткам, деб катта ўйин» қилаётганлигини Бонндагилар энди яшираётганлари йўқ. «Хитой проблемалари билан шуғулланувчи муассасалар ва ташкилотлар Ғарбий Германияда кун сайин кўпайиб бормоқда.

Мақолада айтилади, Бонн ўзининг иқтисодий манфаатларини кўзлаб, Пекинга нуқул жилва қилмоқда. Хитой тўғрисидаги китоблар ва шу каторда Маонинг асарлари ҳам Ғарбий Германияда кўпайиб кетди. Ғарбий Германия Пекинга бундай илтифотнинг ўзи учун фойдаси катта эканлигини яхши билади.

ПРЕЗИДЕНТ НИКСОННИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ВАШИНГТОН, 6 февраль (ТАСС). Бугун президент Никсон Оқ уйда ўтказилган матбуот конференциясида гапириб, 23 февралда Ғарбий Европа сафарига жўнашлигини айтди.

Бу сафарда унга давлат секретари Рожерс ва президентнинг миллий хавфсизлик ишлари билан шуғулланувчи махсус ёрдамчиси Киссинжер ҳамроҳ бўлиб боради. Никсон, мен беш мамлакат ҳукуматларининг бошлиқлари билан учрашаман, деди. Президент бу сафардан мақсад «Ғарбий иттифоқни мустаҳкамлаш ва жонлантириш» эканлигини қайд қилди. Никсон Парижда бўлган вақтида Жанубий Вьетнамга доир бўлаётган музокаралардаги АҚШ вакили Лодж билан кенгаш ўтказади.

Никсон Ғарбий Европа мамлакатлари бўйлаб қилган сафаридан кейин СССР ҳукумати билан АҚШ ҳукумати ўртасида «юқори доирада учрашув ўтказиш имкониятини аниқламоқ учун турли доираларда кенг музокаралар» олиб бориш ниятида эканлигини айтди.

Никсон Яқин Шарқдаги тангликни муҳокама қилмоқ учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотида тўрт давлат вакилларининг учрашувини ўтказиш тўғрисидаги Франциянинг таклифига жавобан АҚШ қатнашиш ниятида эканлигини тасдиқлади. У, Яқин Шарқ районида «катта уруш» бошланиб кетиши мумкин, деб ташвишланаётганлигини изҳор қилди.

Никсон, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг ратификация қилиниши бутун дунёда тинчлик манфаатларига хизмат этган бўлур эди, деди.

ЛЕНИН ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН

БОГОТА, 6 февраль. (ТАСС): «Вос пролетарка» газетасида «В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига» деган янги бўлим ташкил этилди. Газета редакциясининг хабар беришича, бу бўлимда Совет давлати асосчисининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган материаллар, унинг ўлмас асарларидан танлаб олинган саҳифалар босиб чиқарилади. Газета махсус материалларда Колумбия жамоатчилигини «Умуман ҳозирги даврда халқларнинг ҳаётига ва шу жумладан, Колумбия халқининг ҳаётига Ленин таълимотининг таъсири» билан таништиради.

Янги бўлимда босиб чиқарилган дастлабки материаллар орасида Б. Полевой ва Н. Жуковнинг «Бизнинг Ленин» китобидан бир боб бор.

Дўстликка бағишланган виставка

ДАМАШҚ. Бу ерда Сурия — Совет дўстлиги жамияти «СССР — Араб халқининг дўсти» шиори остида фотовиста в к а ташкил қилди.

Виставка экспонатлари совет халқи саноатда, қишлоқ хўжалигида, фан ва маданиятда эришган ютуқлари тўғрисида, Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатларга Совет Иттифоқи кўрсатаётган кўп томонлама ёрдам ҳақида ҳикоя қилади. Виставка халқаро майдонда ва Араб мамлакатларининг ҳаётида Совет Иттифоқи ўйнаётган позитив роль тўғрисида ҳам яққол далолат беради.

Сурия—Совет дўстлиги жамияти бу йил ўз фаолиятини анча активлаштирмоқчи. Бу фаолият ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни тағин ҳам мустаҳкамлаш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Босқинчиларга қарши намойиш

ПАРИЖ Франс Пресс агентлигининг Тель-Авивдан хабар беришича, 5 февралда Исроил полицияси Наблусда (Иорданиянинг босиб олинган қисми) бўлган оммавий намойишни тарқатиб юборишга уриниб, ўқ узди. Уч мингдан ортиқ киши, шу жумладан, мактаб ўқувчилари қатнашган бу намойиш яқинда Исроил босқинчи маъмурлари Ғазо шаҳридаги араб ўқувчи қизларидан ваҳшиёна ўч олганлигига қарши норозилик белгиси сифатида ташкил қилинган эди. (ТАСС).

Жадал суръатлар билан

НЬЮ-ЙОРК, 7 февраль. (ТАСС). Совет Иттифоқи ва Шарқий Европадаги бошқа социалистик мамлакатлар аҳоли жон бошига ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш суръатлари жиҳатидан жаҳонда етакчи ўринни эгаллаб турибдилар. Бу гаплар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1967 йилги статистика тўпламида айтилган. 1960—1966 йилларда ана шу миллий маҳсулот ўрта ҳисобда сал кам олти процент кўпайган.

Ғарбдаги иқтисодий жиҳатдан ривож топган мамлакатларда 60-йилларда аҳоли жон бошига ялпи миллий даромаднинг ўсиши ҳар йили сал кам тўрт процентни ташкил этди.

МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ФРОНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БОШЛИҒИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ПАРИЖ, 6 февраль. (ТАСС). Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти делегациясининг бошлиғи Чан Биу Кием «Монд» газетаси мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: «Жанубий Вьетнам аҳолиси ҳозирги вақтда Америка агрессиясининг тўхтатилишини ва тинчлик ўрнатилишини, мустақил, тинч ва бетараф Жанубий Вьетнамнинг вужудга келтирилишини, шунингдек турмуш шароитининг яхшиланишини астойдил истайди». Худди шунинг учун ҳам Сайгон қўғирчоқ маъмурияти халқининг ана шу қонуний орзуларини амалга оширишга бутун кучлари билан қаршилик кўрсатишга уринмоқда, тинчлик ўрнатилишига тўсқинлик қилмоқда ва агрессиянинг давом эттирилишига ёрдам бермоқда деб таъкидлади у. Жанубий Вьетнам халқи Сайгонда тинчлик сиёсатини ўтказа оладиган янги ҳукумат тузилишини чин кўнгилдан ёқлаб чиқмоқда.

ҲАР ТЎҒРИДА

ЯНГИ МИНЕРАЛЛАР

ТОШКЕНТЛИК геолог Вячеслав Дусматов Жанубий Тяньшань ёнбағирларидан шу пайтгача маълум бўлмаган янги хил минералларни топди. Дусматов бу минералларни соғдианит, тяньшанит ва гожикит деб атади. Бу кимёвий бирикмалар ўрганиш учун Москвадаги минералогия, геохимия ва кристалохимия институтига юборилди. Сўнг унинг янги минерал эканлигини тасдиқлаш учун Халқаро минералогия ассоциациясига жўнатилди.

УМРНИ УЗАЙТИРУВЧИ МАЛҲАМ

ТАБИБЛАР ва кимёгарлар неча асрлардан буён умрни узайтириш чораларини қидириб келадилар. Доктор Хамер (АҚШ) ҳам шу масала устида жуда кўп ишлади. Яқинда у «бутунлаштирилган гидроксилтолуол» малҳамини яратди. Бу малҳам синчиларга берилиб, синаб кўрилди. Натижада бу малҳам берилган синчлонлар 20 ойдан ҳам кўпроқ, малҳам берилмаганлари эса фақат 14 кун яшашди.

ҚАДИМИЙ КАЛТАКЕСАКЛАР

ҚАДИМ замонларда узунлиги 9 метр, оғирлиги 10 тонна келадиган калтакесаклар бўлган. Уларнинг суяклари саналиб қолган. АҚШдаги йирик университетининг олимлари, бу жониворлар ниҳоятда катта бўлгани билан жуда ҳаракатчан, чаққон бўлганлигини аниқладилар. Улар санраб-санраб бир соатда 45 километргача йўл босишган.

ТУЯ СУТИ ИЧИНГ

АВСТРАЛИЯ олимлари бир нарсага эътибор бердилар: ички боқадиган чорвадорлар кўпинча кам қонлик касалига дучор бўладилар. Туя боқиладиган жойларда эса бу касалга учраган кишини сира ҳам учратишмаган. Олимлар шунга асосланиб туя сути тарнибида қонни кўпайтирадиган модда бор, деган хулосага келдилар. Кимёвий анализлар ҳам бунинг тўғрилигини тасдиқламоқда. Ҳозир қиролликкa қарашли Коро-Перт касалхонасидаги беморларга туя сути берилмоқда.

Рассом ҳаваси



Сўзсиз сурат.



А. Холиқов чизган расм.

СУВ ТОШҚИНИГА ҚАРШИ КУРАШ

ҚИШ ҲАВОСИ гидрологлар учун ҳар йилгига нисбатан машаққатли бўлди. 1968 йил декабрининг охиридан деярли бутун январь ойи Ўзбекистонда қалин қор ёғди, узоқ муддатли совуқ бўлди. Тошкентда ўртача ҳарорат 26—28 даражагача борди. Бунга Якутия, Шимолий Урал ва Ғарбий Сибирь районларидан келган Арктика шамоли сабаб бўлди.

Тоғ ва тоғ олди районларида айниқса қалин қор ёғди. Чирчиқ, Оҳангарон, Сирдарёнинг ирмоқлари бўлган Норин ва Қорадарё, Фарғона водийсининг айрим дарёларида, Қашқадарё ва Сурхондарёда январь ойида 2-4 ойлик қор ёғди. Қор қалинлиги тоғлиқ районларда 2 метргача. Тошкентда эса январда нормада кўрсатилган 45 миллиметр ўрнига 142 миллиметр бўлди. 31 январь куни қорнинг қалинлиги 54 сантиметргача етди. Бу 90 йил мобайнида биринчи марта содир бўлди. Қалин қор Чирчиқ ва Қорадарёга келиб қуйиладиган ирмоқларнинг йўлларини тўсиб қўйди.

Амударёда ва Сирдарёда қалин муз қатламлари пайдо бўлди. Деярли ҳамма тоғ районларида сув доиқаланиб, сўнг музликка айланди ва бу музлик сув оқимини тўсиб, сув юзаси кўтарилди. Декабрининг охирида Амударёнинг ҳамма дельталари музлади.

7 январь куни Амударё суви Чоржўйда музлади, 44 йил мобайнида Амударёнинг бундай музлаши уч марта кузатилди. 1924—25, 1948—49 йили қишда Амударе шундай музлаган эди. Термизнинг ўзида сувнинг бўтана бўлиб оқиши ва музлаши 11 йил мобайнида уч марта содир бўлди.

Январнинг иккинчи декадасида ҳаво бир оз исиди. Бунинг натижасида Амударёнинг юқори оқимида муз эриб бошлади. 16 январга келиб музлаш чегараси Чоржўйга келиб тақалди ва бу ерда сувнинг қалин музлаб қолиши туфайли сув дарё юзасидан 285 сантиметр баландликка кўтарилди. 22—25 январь куни сувнинг юзаси ўз ҳолига қайта бошлади ва дарёнинг пастки оқимида сув дарё сатҳидан 1—1,5 метр бўлиб қолди. Ўз вақтида кўрилган тадбирий чоралардан сўнг Хоразм области ва Қора-қалпоғистон АССР территориясида сув тошқини рўй бермади. Сўнгги кунларда ҳавонинг совуши туфайли Амударё 80 километр масофада музлади. Бундай ҳол Сирдарёнинг Ленинобод шаҳри ёқинида ҳам рўй берди 6 январда Чиноз атрофида сув тошқини рўй берди. Бундай ҳол 1950—51 йилларда бўлган эди. Чордара, Фарҳод ва Қайроқум сув омборларида ҳам сув музлади.

Февралнинг иккинчи ярми ва март ойининг бошларида Амударё ва Сирдарёда муз қатламлари эриб бошлайди. Тахминий маълумотларга қараганда республикамиздаги деярли ҳамма дарёларда (Зарафшон ва Жанубий Фарғонадаги дарёлар бундан мустасно) сувнинг кўпайиши кутилади. Мана шу дарёларнинг қовузларида, шунингдек, Фарғона водийси дарёларида, Қашқадарё ва Сурхондарёда сел ёғиш натижасида ҳам ҳам сув кўпайиши кутилади. Шу кеча-кундузда сув тошқинига қарши зарур бўлган ҳамма имкониятлар амалга оширилмоқда.

Д. САЛИХОВА,
Тошкент шаҳар гидропрогноз бўлимининг катта инженери.

ГИДРОЛОГ МУЛОҲАЗАСИ

ОБ-ҲАВО

БУГУН кундузи Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида ҳаво очиқ келади. Шимоли-Жанубдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. 15-20 даража совуқ бўлади.

Қолган айрим областларда қор ёғиши кутилади.

Тошкентда ҳаво очиқ келиб, 3-5 даража иссиқ бўлади. Кунинг иккинчи ярмида ҳавонинг совуши кутилади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

10 ФЕВРАЛЬ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Севги қўшиқлари. 9.30—Шарқ куйлари. 10.10 —«Табассум» (радиожурнал). 11.35 — Шўх концерт. 12.15 — «Эрталабки салом!» (Москва). 13.30 — Концерт (русча). 15.00 — «Бизнинг радиопочта». 15.10 — Халқ талантлари концерти. 15.50 — «Олмалиқ химия заводи қурилишида» (русча). 17.40 — Экран янгиликлари. 18.00 — «Мусиқали глобус». 18.40 — Ф. Шопен. 4-баллада. 19.20 — А. Ҳалимов. «Суймаганга суйкалма» мусиқали драмасидан парчалар. 20.00 — «Ёшлик» программаси. 20.30 — Қўшиқлар. 21.00 — «Мамлакатлар ва қитъалар». 21.10 — Концерт. 22.20 — «Табассум» (такрорий эшиттириш). 23.20 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 10.00 — Айиқ цирки (болалар учун). 10.20 — Звездочка (тележурнал). 10.50—Муму (бадиий фильм)

Ўзбек тилида: 12.00 — Алишер Навоий музейидан репортаж. 12.30 — Ун минг бола (бадиий фильм). 13.45 — Еш томошабинлар телевизион театри. А. Бегимбетов. Биродарлар. 16.55 — Кўрсатишлар программаси. 17.00 — Концерт (болалар учун).

Рус тилида: 17.40—Бу чайлада ким яшайди? (Кинофильм). 17.55—Ахборот информацион программаси.

Ўзбек тилида: 18.25 — Отлар сўзи—аҳлнинг кўзи («Ёшлик» кўрсатади).

19.15—Ун минут музика. 19.25—Ахборот информацион программаси. 19.55 — Яна бир марта севги ҳақида (бадиий фильм, рус тилида). 21.30 — Бўстон (тележурнал).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.00 дан—Москва кўрсатади.

ТЕАТР

ТАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 9/II да **Ун иккинчи тун** (кундузи). **Дилором** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/II да **Бўрон қушин.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/II да **Фарғона тонг отгунча.**

КИНО

Ака-ука Карамазовлар (1-2 сериялар) — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 5 яримда).

Тошдаги достон (1-2 сериялар) —САНЪАТ САРОЙИ. «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Осмон учинчи қаватдан бошланади — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, кеч 6 ва 8 да).

Омад сўқмоқлари (эрталаб 11, кундуз 3 ва кеч 7 да). **Асосий далил** (кундуз соат 1, 5 ва кеч 9 да). — «МОСКВА».

Турли тақдирлар —«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 9.45 минутда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРЛИГИ «ЎЗТОРГПОСРЕДКОНТОРА» ВА «ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» БОШҚАРМАСИ

25-27 ФЕВРАЛДА
Самарқанд шаҳрида

аҳоли кенг истеъмол қиладиган ортиқча молларни сотиш

ЎЗТПК

УЛГУРЖИ ЯРМАРКАСИНИ УТКАЗАДИ

Улгуржи, дайлат ва кооператив чакана савдо ташкилотларининг вакиллари,

Ярмарка

ҳамда ҳамма республикалар саноат корхоналарининг вакиллари таклиф қилинади.

Ярмарка Офицерлар уйида (Ленин кўчаси, 54-уй) ўтказилади.

«ЎЗТОРГПОСРЕДКОНТОРА»

ЖАМОАТ ВА УЙ-ЖОЙ БИНОЛАРИНИ ТИПОВОЙ ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЛОЙИҲАЛАШ ЗОНАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ («ТошЗНИИЭП»). қуйидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

шаҳар қурилиши бўлими бошлиғи:

сектор бўйича: микрорайон ва турар жой районларини планлаштириш, монолит темирбетондан иморатлар қуриш, қишлоқ хўжалиги хонадонларининг типологияси;

бўлимларга катта илмий ходимлар: шаҳар қурилиши, турар жой типологияси, жамоат бинолари, қурилиш конструкцияси, қурилиш маҳсулотларини заводда тайёрлаш технологияси;

лабораториялар бўйича: сейсмик қурилиш, қурилиш физикаси ва микроиқлим интерьер секторлари.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, А. Ҳидоятов кўчаси, 109-уй (40 автобусининг «ТашЗНИИЭП» бекати).

ХАРЬКОВ ШАҲРИДА
15 февралда
1966 йилда чиқарилган

3% ЛИ

Давлат ички ютуқлар займининг
21-ТИРАЖИ

УТКАЗИЛАДИ.

Тиражда займнинг ҳар бир разрядига умумий суммаси 512.560 сўмлик 9.400 ютуқ булардан 5000, 2500, 1000, 500, 100 ва 40 сўмлик ютуқлар ўйналади.

Заём облигацияларини сотиб олинг!

М. И. КАЛИНИН НОМЛИ АНДИЖОН ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

қуйидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: рентгенология ва медицина радиологияси, оператив хирургия билан биргаликда топографик анатомия (доцентлар);

кафедра доцентлари: госпиталь хирургияси, сиёсий иқтисод;

кафедра катта ўқитувчилари: сиёсий иқтисод, физика;

кафедра ассистентлари: биология, микробиология, марксизм-ленинизм философияси, нормаль, патологик ва топографик анатомия, социал гигиена, нормаль ва патологик физиология, биологик ва органик химия, чет тиллари, даволаш физкультураси, жисмоний тарбия, физика, ортопедия ва травматология, госпиталь хирургияси, акушерлик ва гинекология, юқумли ва тери касалликлари, даволаш физкультураси курслари, педиатрия факультети ички касалликлари пропедевтикаси, сил, асаб ва болалар касалликлари.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан сўнг бир ой.

Аризалар керакли ҳужжатлар билан институт ректорининг қуйидаги адресига юборилсин: Андижон шаҳар, Навоий проспекти.

Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари институт ректори, доцент С. П. Пулатовга онаси

Меҳри
МАДМУСАЕВ «Аниҳ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 836545. Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323 Масъул секретарь — 834455 Масъул секретарь ўринбосарлари — 837283 Партия турмуши — 833169 Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 831216 Халқаро ҳаёт — 837604 Коммунистик тарбия — 831455 Саноат капитал қурилиш ва транспорт — 834780 Совет қурилиши — 833258. Қишлоқ хўжалиги — 837604 Адабиёт ва санъат — 832036, 837221 Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 834451 Маҳаллий ахборот ва спорт — 832547. Оммавий ишлар ва хатлар — 838679, 833553 Иллюстрация — 834524. Стенографистка — 837343 Корректура — 837162 «Эълонлар — 838142 Коммутатор — 830249 830250 830251 830252, 830253, 830254, 830255, 830256, 830257, 830258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85, Бухоро 31—41, Қарши 22—82, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ В. — 34. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган машриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 10956.